

Ахтам ЎРОЛОВ, Нусратулла САФАРОВ

# БОБУРИЙЛАР ВА БУНЁДКОРЛИК

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари  
таваллудининг 660 йиллиги ва Бобур  
Мирзо таваллудининг 512 йиллигига  
бағишланади

САМАРҚАНД — 1995

**Ахтам УРАЛОВ, Нусратилла САФАРОВ**

## **БАБУРИДЫ И СОЗИДАТЕЛЬНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ**

На узбекском языке

ЎзР ФА Самарқанд бўлимининг илмий ҳайъати ва Самарқанд дав-  
лат меъморчилик қурилиш институтининг илмий кенгаши томонидан  
нашрга тасдиқланган .

1995 йили буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 512 йиллиги жаҳон зиёлилари орасида кенг нишонланади. Ўзбек, афғон, покистон ва ҳинд халқларининг маданий мероси ва тарихий қадриятларини беҳабодурдоналар билан бойитган Бобур Мирзо ва Бобурийларнинг жамият ижтимоий тараққиёти ва иқтисодиёти, илм-маърифат, маънавий соҳасидаги хизматлари беҳад улкан ва беқиёсдир. Бобур Мирзо ва Бобурийлар ўзлари яшаган даврларда жамият ва маънавий тараққиётдан ташқари меъморчилик, шаҳарсозлик, боғ-истироҳатчилик, халқ амалий санъати ва ободончилик соҳаларига ҳам солмоқли ҳисса қўшган улуг сиймолардир.

Қўлингиздаги рисола Бобур Мирзо ва Бобурийларнинг ана шу соҳалардаги яратувчанлик фаолиятининг нисбатан кам ўрганилган қирраларини талқин этишга бағишланиб кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган. Шунингдек у, республикамиз олий ўқув юртларида маданият ва санъат тарихини ўрганувчи илму-толибларга ҳам аини муддаодир.

**Илмий муҳаррир — тарих фанлари доктори, профессор  
Ш. А. Аҳадов.**

Республикамизнинг мустақиллиги туфайли кейинги йилларда халқимизнинг ватанмиз тарихига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Республикамизда олиб борилаётган маданий-маънавий тадбирлар, буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва фаслияти, маданий-илмий меросини ўрганиш бўйича ўтказилаётган қатор халқаро анжуманлар, она тилимизда нашр этилиб қўлма-қўл бўлаётган нодир тарихий асарлар бунинг исботидир. Маънавий қадриятларимиз ва ўтмишимизнинг шундай бир серфаёз ва олтин даврлари ҳам борки, бу даврларда буюк аждодларимиз бутун бир миллатни, яхлит бир ўлкани дунё халқларига сарфароз этган. Ўзбек халқи учун ана шундай нурафшон ва олтин даврларнинг бири буюк Амир Темур ҳазратлари ҳукмронлиги ва Темурийлар салтанати давридир. Бу даврда улуг бобокалонларимиз нафақат жангу-жадаллар ва сиёсат, балки кенг бунёдкорлик ишлари, элюрт маъмурчилиги, ободончилик, илм-маърифат ва маданий соҳаларга ҳам катта эътибор бериб, бу жабҳаларда ҳам улкан ишларни амалга оширганлар. Шунинг учун ҳам тарих олдида Темур ва Темурийлар, Бобурийларнинг амалий ижтимоий фаолияти уларнинг ўзларидан аввал ўтган подшоҳларга нисбатан қандай янгиликларни амалга оширганликларига қараб баҳоланмоғи зарур. Хусусан, ана шу нуқтаи назардан айтишимиз мумкинки, Темурийлар фаолияти шубҳасиз тараққиёт ва маънавият билан суғорилгандир.

Темурийлар орасида ўзининг маънавияти, тафаккури ва амалий ижтимоий фаолияти билан алоҳида ажралиб турган ва айни пайтда, ўзга юртлар халқлари томонидан ҳам дилбар шахс, адолатли ва маърифатпарвар шоҳ сифатида тани олинган улуг сиймо бу Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Дарҳақиқат, дилбар шахсларнинг ишлари ҳам дилбардир. Кейинги йилларда Бобур Мирзо ва Бобурийлар ҳаёти ва фаолиятини ҳолисона ақс эттирган қатор тарихий, илмий ва адабий асарлар халқимизга нинҳом этилди. Улар орасида севикли ёзувчимиз Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» (1981 й.), «Ҳумоюн ва Акбар» (1994 й.) тарихий романлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» (1989 й.) асариниқса машҳурдир. Шунингдек, таниқли олим, мейморчилик доктори Пўлат Зоҳидовнинг «Заб ичра зийнат» (1985 й.), Ахтам Ўролов ва Иноятилла Сувонқуловларнинг «Алломалар олами» (1991 й.), Ортиқ Мўминовнинг «Жозибали ўлка» (1991 й.), Ансориддин Иброҳимовнинг «Бобурийлар мероси» (1993 й.), Махмуджон Ну-

риддиновнинг «Бобурийлар сулоласи» (1994 й), каби китоблари ҳам халқимиз эътиборини қозонди.

Бироқ, кейинги йилларда мустақил республикамизнинг Ҳиндистон ва Покистон халқлари билан маданий ва иқтисодий алоқаларининг кучайиши Бобур Мирзо ва Бобурийларнинг ушбу ўлкалар маданий-маънавий тараққиётига қўшган ҳиссаларининг янги қирраларини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этмоқда. Бобур Мирзо ва Бобурийларнинг ўзга юртлардаги маданий-маънавий мероси фикр-эътиборимизни энг аввало улар бунёд этган ва ҳозиргача сақланиб келаётган маҳобатли ва мунаққаш меъморий обидалар, атиқалар, гўзал шаҳарлар ва боғ-саройларга қаратади. Бундай яратувчанлик аслида Бобур Мирзо ва Бобурийларни ана шундай кенг ижтимоий ва маданий маърифатга элтган темурийларга хос фазилатдир. Тўғрироғи, бу маънавият Амир Темур ҳазратларидан темурий шоҳзодаларга мерос қолдирилган ва энг олижаноб ҳисобланган бунёдкорлик маданиятидир. Бироқ, бу маданиятнинг Бобур Мирзо ва Бобурийлар фаолиятида қандай йўналишлар ва услубларда, қандай мавқеларда олиб борилганлигини тўғри англамоқ бугунги кунда бунёдкорлик ҳисси билан ёнаётган ва юртим деб, элим деб яшаётган халқимиз, айниқса ёшларимиз учун долзарб масаладир.

Шундай қилиб, биз ушбу рисолада Бобур Мирзо ва Бобурийларнинг бугунги кунда нафақат Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистон халқларига, балки Ўзбекистон халқларининг маънавий имкониятларини ривожлантириш учун ҳам катта аҳамият касб этувчи бунёдкорлик маданияти ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Бобокалонларимиз ҳомийлиги ва буюртмалари асосида амалга ошган бунёдкорлик санъатида кўп ибратли сабоқлар борки, уларни бугунги кун миллий меъморчилигимизни қайси услублар ва тартиботлар, имконият ва йўналишларда олиб бормоғимиз учун қимматлидир. Мана шундай эзгу-ният ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, улуг бобокалонларимизнинг яратувчанлик соҳасидаги саъй-ҳаракатларини кейинги йилларда тўпланган янги тарихий илмий асарлар хабарлар ва маълумотлар асосида, шунингдек, ўз меъморий ва ижтимоий тафанкуримиз ва мустақил мафкурaviй кузатишларимиз асосида таҳлил этишга ҳаракат қилиб кўрдик. Бироқ, табиийки, ушбу мавзуга биз бошдан-оёқ давогармиз дейишга ҳаққимиз йўқ. Бу соҳадаги изланишлар ҳали кенг миқёсда ва қайта-қайта давом эттирилмоғи зарур деб ўйлаймиз.

## БОБУР МИРЗОНИНГ БУНЁДКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Бори элга яхшилик қилгилки,

авдиди яхши йўқ,

Ки дегайлар даҳр аро қолди

фалондиди яхшилик.

Заҳриддин Муҳаммад БОБУР

Ер юзида инсон пайдо бўлибдики, кишилик жамияти бунёдкорлик билан, етук инсонлар эса эл-юртга яхшилик кўрсатиш билан шуғулланиб келмоқда. Қадим даврлардан бошлаб қанчадан-қанча тураржойлар, мустаҳкам ва мун-наққаш, маҳобатли қаср ва саройлар, гўзал шаҳарлар, сўлим қишлоқлар, турфа хил бино ва иншоотлар, тўғонлар қурилиб, ариқ ва каналлар, қудуқ ва коризлар қазилган, кўркам боғ-роғлар яратилиб, кўплаб ободончилик ишлари бажарилган, бир сўз билан айтганда бунёдкорлик фаолияти инсоннинг энг эзгу мақсадларидан бирига айлантирилган.

Бироқ, ҳар бир инсон ҳам ҳаётда бунёд этиш шарафига ва бунёдкорлик маънавиятига эга бўлавермаган. Ҳаётда шундай инсонлар ўтганки, кенг имконияти бўлатуриб, бунёд этиш истагида бўлмаганлар, бошқалари эса аксинча, имконият топиб ўзларининг бунёдкорлик бобидаги эзгу-ниятларини амалга оширганлар ва халқ, эл-юрт олқишига авлодлар ҳурматига сазовор бўлганлар.

Биз ҳазрат Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Улуғбек Мирзо, Бойсунқур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, буюк шоир ва маърифатпарвар сиймо Алишер Навоий каби аждодларимиз мисолида бунёдкорликнинг юксак даражада ривож топганлигини биламиз. Бунёдкорликка ёшлигидан бошлаб зеҳн қўган, кейинчалик эса уни ўзларининг ҳукмдорлик фаолиятидаги асосий амаллардан бири деб билган сулола — бу аввал Андижонда, сўнгра Афғонистон ва Покистонда, Шимолӣ Ҳиндистонда ҳукмдорлик қилган Бобур Мирзо ва Бобурийлар сулоласидир. Бобур Мирзо ва Бобурийлар қандай салоҳиятли давлат арбоблари, жасур саркарда бўлган бўлсалар, шундай улкан бунёдкор ҳам эдилар. Улардаги жаҳонгирлик мутлақо давр тақозоси ила рўй берган бўлса, бунёдкорлик уларнинг эл-юрт, ватан дарди, халқ фаровонлиги билан суғорилган тафаккури, яратувчанликка бўлган улкан қизиқиши туйғайли амалга ошган эди.

Бобурийларнинг бунёдкорлик маънавияти: бу биринчидан, уларнинг шаҳарсозлик, меъморчилик, боғ-истироҳатчилик, таъмирчилик, эл-юрт маъмурчилиги ва мамлакат ободончилиги йўлидаги улкан хизматлари бўлса, иккинчидан, уларнинг халқ орасидаги маданий-маърифий ишлари: кутубхоналар, расадхоналар каби илмий-маданий қурилишлари, тасвирий санъат, ҳаттоғлик, наққошлик, мусаввирлик ва бадний ижодни ривожлантириш соҳасидаги саъй-ҳаракатлари-дир. Учинчидан, мана шу яратувчанлик ва маданий-маърифий меросни вужудга келтиришда Бобурийлар авайлаб асраган ва ривожлантирган байналминналлик руҳи, улар билан маслақдош, сафдош ва елкама-елка бўлган оддий ижодкор халқ вакилларининг ҳам бунёдкорлик ҳаракати кўзда тутилмоқда. Биз суҳбатимизни Бобурийлар сулоласининг асосчиси бўлмиш темурий Бобур Мирзонинг бунёдкорлик фаолиятидан бошламоқчимиз.

Бобур Мирзонинг (1483—1530) ёшлик йиллари Андижонда, Фарғона вилоятининг ҳокими отаси темурий Умаршайх Мирзонинг<sup>1</sup> (1456—1494) шоҳона сарой муҳитида ўтди. Шу сабабдан ҳам Бобур ёшлигиданоқ нафис ва мумтоз меъморий санъатнинг кўркам намуналари билан яқиндан таниш бўлди. Отасининг шоҳона қурилишларида қатнашган зукко меъмору муҳандислар, қўли гул бинокорлар билан яқиндан мулоқотда бўлиб улғайди.

Бобур ўспиринлигида Фарғонанинг Уш, Маргилон, Исфара, Хўжанд, Конибодом, Ахсикент, Косон каби қатор шаҳарларида бўлиб, шаҳарлар файзи бўлган меъморий обидаларни томоша қилди. Бобур Ушдаги таассуротлари ҳақида: «...Қўрғоннинг шарқи жанубида бир мавзун тоғ тушубдур. Барокўҳга мавсум. Барокўҳ тоғи дамонасида шахр билан тоғнинг орасида бир масжид тушубдур, масжиди Жавзо отлик, масжиднинг ташқари саҳни нишеброқ, сербаргалик, пурсоя, сафолик, майдон. Ҳар мусофир ва раҳгузар келса, анда истироҳат қилур»<sup>2</sup> деб ёзса, Ахсикентни: «Фарғонада, Андижондан сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўқтур. Умаршайх Мирзо мунди пойтахт қилиб эди, Сайхун дарёси қўрғонининг остидин оқар... Фарғонада мунча берк қўрғон йўқтур. Маҳаллоти қўрғондин бир шаръий йироқроқ тушубтур»<sup>3</sup> деб таърифлайди.

<sup>1</sup> Умаршайх Мирзо Амир Темурнинг панневараси (Темурнинг ўғли Мироншоҳ, унинг ўғли Султон Муҳаммад, унинг ўғли Султон Абусанд, унинг ўғли Умаршайх) бўлган.

<sup>2</sup> Бобур, Заҳриддин Муҳаммад. Бобурнома. Т., 6-бет

<sup>3</sup> Уша асар, 8-бет.

Бобур 12 ёшлигидаёқ отаси Умаршайх Мирзодан мерос қолган ҳокимлик тахтига ўтиришга мажбур бўлади. Уша йиллари у Уш шаҳрининг Бароқўҳ (ҳозирги Сулаймон) тоғи бағрида машҳур жойларни зиёрат қилгани бориб, ушбу зиёратгоҳ манзилда ўзидан эсдалик учун «бир айвонлик ҳужра» содирлади. Бу эса Бобурнинг ёшлигиданоқ бунёднорлик руҳи билан тарбияланганлигидан далолат беради. Уша кезлари Бобур улў бобокалонлари Амир Темур ва Мирзо Улуғбекларнинг доврўғини яхши билган, Мовароуннаҳр пойтахти гўзал Самарқандни кўрган ва унинг атрофидаги жаннатсимон боғ-роғлар ҳақида кўп эшитган, болалигида бу ерга неча бор қидириб келган<sup>1</sup> ва уларни яна кўрмоққа ҳавас қилган эди. Бир чекнаси шу туфайли Самарқандни олиш унинг орзу ниятига айланади. Бобур аслида Самарқандни олиб босиб Амир Темур каби Турону заминни яна ягона марказлашган қудратли давлатга бирлаштирмоқчи, бу даврда Мовароуннаҳрда авж олаётган ўзаро қиргин-қабоҳатларга барҳам бермоқчи бўлди.

Бобур Андижонда ҳокимият тепасига чиққач, 1495 — 1496 йилларда Самарқандни эгаллаш учун икки марта юриш қилиб, 1497—1498 йилларда Самарқандни илк бор қўлга киритишга муваффақ бўлади. Бобур Самарқанд тахтини темурийлардан Абу Саид Мирзонинг набираси, Султон Махмуднинг ўгли Бойсунқур Мирзодан олади. Ушанда, Бобур 19 ёшда эди. У Самарқандда атиги 100 кун ҳукмрон бўлади, холос. Бобур 1500 йилнинг охирида Самарақандни яна қайта қўлга киритади. Бироқ, Бобурнинг аскарлари оз эди. Шунинг учун у Шайбонийхон билан сулҳ тузиб Самарқандни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Бобур Хисор орқали ўтиб Қобулга боради. 1504 йил сентябрь ойида Қобул ва унга қарашли вилоятларни жанг қилиб олади ва ўз тасарруфига киритади.<sup>1</sup> Шайбонийхон эса 1510 йили Эрон шоҳи Исмоил билан бўлган жангда енгилиб қатл этилади. Бироқ, Самарқанд ва Бухоро ҳамон Шайбонийлар қўлида қолади.

Бобур 1512 йилда учинчи марта Самарқандни эгаллайди. Аммо 1513 йилда Шайбонийхоннинг жияни ва ўгли Убайдулло Султон ва Темур Султонлардан енгилиб, Афғонистонга қайтиб кетишга мажбур бўлади.

Бироқ, Заҳриддин Муҳаммад Бобур Самарқандда кам

<sup>1</sup> Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо ҳам Самарқандда туғилиб улғайган, бобоси Абусаид Мирзо эса Самарқанд тахтини эгаллаган эди.

<sup>2</sup> Бобурнинг Қобулга келиб қолиши тарихан тасодиф бўлмай, бу ерда 1460-1502 йиллар давомида Бобурнинг амакиси Улуғбек Мирзо Қобулий ҳукмрон эди.



яшаганига қарамай, Самарқанд халқига олижаноблик кўрсатади, шаҳарда осойишталик ва фаровонлик қарор топишига ҳаракат қилади. Ўзининг машҳур «Бобурнома»сида Самарқанд ҳақида ажойиб ва ўчмас хотаралар ёзиб қолдиради.

Тарихий маълумотларга кўра, Бобур Мирзо Самарқанддаги ҳукмдорлик пайтида (1497—1498) шахсий ташаббуси билан янги алифбо жорий этиб, уни ёшларга ўргатиш учун Самарқандда бир-икки мактаб ҳам ташкил этади. Фикри-мизча, ушбу алифбо Бобурнинг кейинчалик Қобулда жорий этган «Хатти Бобурий» ихтиросининг бошланғич кўриниши бўлиб, бу Бобур Мирзонинг маориф ва таълим соҳасидаги ишларини ўз фаолиятининг Самарқандда бўлган даврларидаёқ бошлаб юборганлигидан далолат беради. Демак, айтиш мумкинки, Бобур Мирзо ҳукмронлик йилларининг бошланғич даврларидаёқ маориф ва таълим-тарбия ишлари билан шуғулланган.

Бобур Самарқанд иқлими, географик ўрни, оби-ҳавоси ҳақида шундай ёзади: «Рубъи маскунда (ер юзида) тули тўқсон тўққиз даража, рамзи нужумий (астрономик жойлашиши) эллик олти даража ва дақиқадур, арзи (кенглиги) қирқ даража ва дақиқадир. Шаҳри Самарақанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар».

Бобур Самарқанд шаҳри, Чўпонота тепалиги, Зарафшон дарёси ҳақида муфассал маълумотлар беради. «Кўҳан (Зарафшон) шимолидин оқар, Самарқанддин бир шаръий бўлғай. Самарқанднинг боғот ва маҳалоти ва яна неча тумонати бу сув билан маъмурдир».<sup>1</sup>

Бобур, айниқса Самарқанд меъморчилиги иншоотлари ҳақида қисқа бўлса-да, лекин теран тарихий хабарлар ёзиб қолдирган. Жумладан, у шаҳарда Темур қурдирган Арк — қалъа ҳақида: «...Қўрғонини фосилнинг устидан буюрдум-ким, қадам урдилар. Ун минг олти юз қадам чиқди»<sup>2</sup> деб ёзади. Демак, Самарқанд арки деворининг XV аср охиридаги узунлиги тахминан 10 километрга яқин бўлган. Бобур шаҳар мудафоа деворининг кенглиги ва мустаҳкамлигига ҳам қизиқиб: «Феруза дарвозасидан Шайхзода дарвозасигача фосил ўтидан от билан юрса бўлур эрди. Ўзга ерларда яёқ юрилур эди», дбе таъкидлайди. Ушбу сатрларда шаҳар ташқи деворининг мудофаа жиҳатидан қанчалик мустаҳкам иншоот эканлиги тасвир этилган.

Бобур Самарқандни идора этиб турган незлари (1497 — 1498) шаҳар атрофида Темур ва Мирзо Улуғбеклар бунёд

<sup>1</sup> Бобурнома. Т., 1989, 44-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 43-бет.

этган ҳушманзара манзиллар ва боғ-роғларда бир неча бор бўлиб, уларни мушоҳада этади ва тўлқинланиб ёзади: «Темурбекнинг ва Улуғбек Мирзонинг иморати ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўпдур.. (Темурбек) Самарқанд шаҳрида икки боғ солибдур, бириким йироқдур. Боғи Бўлдибдур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруз дарвозасигача ҳибон қилиб, икки тарафига терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубдур, ул кўшкта Темурбекнинг Ҳиндистон урушини тасвир қилибдурлар. Яна Пуштаи Кўҳакнинг доманасида Конирилнинг қора суйининг устидаким, бу сувни Обираҳмат дерлар, бир боғ солибдур. Нақши жаҳонга мавсум ... Яна Самарқанднинг жанобида Боғи Чанордур, қалъага ёвуқдур. Яна Самарқанднинг қуйи ёнида Боғи Шамол ва Боғи Бехиштдур .. Пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солубдур, Боғи Майдонга мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилстун дерлар, ду ошёна, сутунлар тамом тошдин ... Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар. Бу имораттин Пуштаи Кўрҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир улуғ айвон иморат қолибтур. Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чинийхона дерлар»<sup>1</sup>

Бобур Самарқанд боғларининг номи ва ўрнини кўрсатибгина қолмай, балки уларга қисқа таъриф бериб ҳам ўтади. Улардаги иморатлар, дарахтлар ва сув таъминоти билан қизиқади. Масалан, Султон Аҳмад Мирзо замонида (XV аср) беклар солдирган боғ ва боғчалар ҳақида гапириб, улар ичида Дарвеш Муҳаммад Тархоннинг чорбоғини мақтайди. Чорбоғ Кўлба ўланги устида, тепаликда жойлашган бўлиб, унда супа шаклидаги поғона-поғона майдончаларга яхши қайрағочлар, сарв ва оқ тераклар экилганлигига назар ташлайди.<sup>2</sup> Бобур ҳатто бу боғнинг камчилигини кўрсатиб, унда сув ҳавзаси йўқ эди, деб ёзади.

Бобур Самарқанд атрофидаги ажойиб ўланлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Булар машҳур Конигул, Бўдана қўриғи, Кўли мағоқ ва Кўба ўланларидир. Конигул ўланги Самарқанддан шарқда, бироз шимол тарафда жойлашган бўлиб, ичидан Обираҳмат суви ўтган. Бобурнинг хабар беришича, Самарқанд султонлари бу ажойиб манзилни қўриқхонага айлантириб, йилда бир-икки ой қароргоҳ этганлар.<sup>3</sup> Бу боғ-роғлар, гўзал иморатлар ва ўланлар Бобурда

<sup>1</sup> Уша асар, 45-бет.

<sup>2</sup> Уша асар, 46-бет.

<sup>3</sup> Уша асар, 46-бет.

катта таассурот қолдирс-ада, у Мовароуннаҳрни узоқ вақт тинч идора этиб тура олмаганлиги туфайли Самарқандда ўзи бирорта боғ ёки сарой ярата олмаган. Аммо, Бобур кейинчалик ўзи ҳокимлик қилган давлатларда боғ-истироҳатчилик ва меъморчилик соҳасида жадал фаолият кўрсатиб, Самарқанддан олган таассуротларидан унумли фойдаланади.

Бобур Самарқанддан чиқиб кетгандан сўнг Қобулда 1504 йилдан 1526 йилгача ўзи, сўнгра унинг ўғли Комрон Мирзо ҳукмронлик қилади. Бу даврда Бобур нафақат адолатпарвар шоҳ, балки хассос шоир, қомусий билим эгаси, бунёдкор давлат бошлиғи сифатида элга танилади. Унинг ажойиб лирик шеърлари, илмий-тарихий рисолалари, машҳур «Ҳатти Бобурий» каби ихтиролари ҳам шу ерда яратилади. Мамлакатни бошқаришда Бобур қатор тараққий-парвар тадбирларни жорий этиб, ободончилик ишлариға катта аҳамият беради, кўплаб карвонсаройлар, ҳаммомлар, ҳовуз ва кўприклар, масжид-мадрасалар қурдиради. Бу каби бунёдкорлик ишларида Бобур ўзининг шоҳона буюртмалари орқали янги меъморий йўналишни белгилаб беради ва ўзга юртлар меъморчилиғига ҳам катта ижобий таъсир кўрса-тади.

Бобур эл-юртда вайронагарчилик, бузғунчилик урушларини олиб борувчи феодал ҳукмронларнинг ишларини қоралайди. Шундай ҳукмронлардан бири Деҳли султони Аловуддин Жаҳонсўз Гурий бўлиб, у Ғазнани босиб олади ва шаҳарни бузиб, унга ўт қўяди, халқни талайди, элини қатл қилдиради. Шаҳарға яқин бўлган сув бандини бутунлай вайрон қилади. Бобур эса аксинча, Ғазна вилоятининг деярли барча ериға илгари сув улашиб турган ушбу бандни қайта тиклаб халқига сув беради ва вилоят хўжалигини обод қилади. У Ғазнадаги бошқа бандларни ҳам кўздан кечириб ҳолатидан хабардор бўлиб туради.

Бобур сиёсий марказни Қобулдан Ҳиндистонға кўчиргандан сўнг (1526 й.) ўз империясидаги иқтисодий ва маданий ҳаётни янада жонлантиришға астойдил бел боғлайди.

Бобурнинг Ҳиндистонға боришидан мақсади бу ерға ундан олдин келган фотихлар Искандар Зулқарнайн, Махмуд Ғазнавийлар каби мамлакатни талаш, бойлик орттириш эмас эди. Бу ҳақда унинг ўзи:

**Беқайд мену хароби сим эрмасмен,  
Ҳам мол ёғиштирур лаим эрмасмен.**

дейди. Ҳиндистонни олишдан Бобур тарқоқ ҳинд феодалларини бирлаштиришни, марказлашган кучли давлат тузишни мақсад қилган эди. Дарҳақиқат, Бобур ҳинд дарёсидан то

Бенгалиягача бўлган вилоятларни ўз ичига олган Шимолий Ҳиндистон давлатини тузди. Бобурнинг Қобулдаги каби Ҳиндистонда ҳам кенг халқ оммаси олдида ободончилик, қурилиш-меъморчилик ҳамда боғчилик соҳасидаги фаолияти ҳурмат-эътиборга лойиқдир. Бобур ҳам боболари Темур, Шохруҳ, Улуғбек каби ўз паноҳига эътиборли уламолар, олим ва фозиллар, шоир ва мусаввирлар, меъмор ва санъаткорларни йиғиб, уларни бошпана, иш ва маош билан таъминлайди.

Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида Бобур ҳақида шундай ёзган эди: «Бобур дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор шахс бўлган. У санъатни ва адабиётни севган... Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янги тараққиёт юз беради».<sup>1</sup>

Бобурнинг шох асари «Бобурнома»ни инглиз тилига таржима қилган Эрскин, Бобур ҳақида «Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичида Бобур сингари гениал ва талантли кишиларни камдан-кам учратамиз... Ақлининг фаол фаолияти, хушчақчақлиги, совуққонлиги ва бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган саҳийлиги, мардлиги, истеъдодлилиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёдаги подшоҳлар ичида Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшоҳ тополмаймиз» деган эди.<sup>2</sup>

Бобур даврида Ҳиндистоннинг қатор шаҳарлари, айниқса Агра ва Деҳли каби шаҳарлар янада обод бўлиб, маданий ва сиёсий мавқеи ортиб боради. Шаҳарлар ободончилиги уларда савдо-сотиқ ишларининг ривожланиши оқар сув билан таъминланиши, хайрия бинолари қурилиши ҳамда боғ-роғлар яратилишида ўз ифодасини топади. Бобур Ҳиндистонда катта қурилишлар бошлаб уларга минглаб қурувчиларни ҳамда турли касб эгаларини сафарбар этади. Булар ҳақида у шундай ёзади: «(Ҳиндистоннинг) яна бир латофати будирким, ҳар синфдин ва ҳар хирфагардин бениҳоят кўпдир». Ҳар иш ва нима учун жамиъ муқаррар ва муайяндурким, ота-оналаридан бири ул иш ва ул нимани қила келгандурлар. Нечукким «Зафарнома»да Темурбекнинг «Масжиди сангин» иморатини қилурда Мулла Шараф мундоғ муболага

<sup>1</sup> Неру Д.Ж. Открытие Индии. М., 1955, 272-бет.

<sup>2</sup> Мўминов О. Жозибали ўлка. Т., «Меҳнат», 1991. II.бет.

била битибдурларким, Озарбойжон ва Форс, Ҳиндистон ва яна ўзга мамолик сангтарошларидин ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Ограда ушбу Огранинг сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар куни олти юз саксон киши иш қилурлар эди. Яна Ограда ва Секрида ва Биёнада ва Гувалёрда ва Кулда минг тўрт юз бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатларимда иш қилурлар эди».<sup>1</sup> Кўриниб турибдики, бунёдкорлик ишлари бир йўла бир неча жойларда ва шаҳарларда юзлаб, минглаб кишилар иштирокида авж олган.

Ҳиндистоннинг ёқимсиз иқлими ва бу ерда оқар сувларнинг тамоман йўқлиги Бобур ёнидаги тўра ва бекларга ёқмайди ва улар Ҳиндистонни ташлаб Қобул тарафга кетмоққа шайланадилар. Шунда Бобур кўп насиҳат қилиб, уларни тўхтатади, яшамоққа шароит яратиш зарурлигини ўқтиради. жойини обод қилмоққа ундайди. Бобурнинг ўзи уларга бош бўлиб, Аграга келгандан сўнг тез кунлардаёқ ободончилик ишларини, боғроғлар қурилишини бошлаб юборади. Бу ҳақда у шундай ёзади. «...Ҳар ерда ўлтурушлик бўлса, чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тархлик ва сиёқ ерлар ясаб бўлурлар. Ограга келгандан бери бир неча кундан сўнг ушбу маслаҳатқа Жўн сувидан ўтиб, боғ ерларини мулоҳаза қилдуқ. Андоқ бесафо ва хароба ерлар эдиким, юз кархат ва нохушлук билан андин убур эттук. Бу ернинг макрухлугу нохушлигинин чорбоғ хаёли хотирдин чиқди. Мундин ўзга мундоқ ёвуқ ер Ограда чун йўқ эди, неча кунлардин сўнг зарўр бўлиб бу ерга ўқ-илиқ қўюлди. Ул улуг чоқким, ҳаммом суви андиндур, бунёд бўлди. Яна бир парча ерким, амбули дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, булардан сўнг улуг ҳавз ва сахне бўлди. Андин сўнг тош иморат олдидаги ҳавз ва толор бўлди. Андин сўнг «Хилватхона» боғчаси ва уйлари бўлди. Андин сўнг ҳаммом бўлди. Мундоқ бесафо ва бесиёқ Хиндта тавр тарроҳликлар ва сиёхлик боғчалар бўлди. Ҳар гўшада мақбуд чаманлар, чаманда муважжахъ гул ва настаринлар мураттаб ва мукамал бўлди».<sup>2</sup>

Бобур Агра қўрғони ичидаги Иброҳим саройи билан ички девор орасидаги анча ерлик жойнинг бетартиб ҳолда қақраб ётганлигини кўриб, бу жойда катта чорбоғ ташкил этмоққа жазм қилади. Бунинг учун у дастлаб ўша жойда суғориш иншооти—«войин» қурдиради.<sup>3</sup> Атрофлари зинапояли ишланган чуқур қудуқни ҳиндча «война» дейилган.

<sup>1</sup> Бобурнома. Т., 1989, 268-бет.

<sup>2</sup> Бобурнома. Т., 1989, 275-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 275-бет.

Бу суғориш иншоотининг сатхи ўнга-ўн (газ) бўлиб, унинг ичарида уч қават иморат жойлашган. Энг пастки қаватда уч айвон ишланиб, уларга йўл юқоридан зинапояли қудуқ бўйлаб тушади. Айвонлар саҳти бир-бирига нисбатан уч зина фарқ қилади. Энг пастки айвондан сув тортилганда сув юзаси айвон саҳтидан бир зина пастда туради. Ёмғир пайтлари сув юзаси гоҳида юқорига айвон саҳтига кўтарилади. Ўртанги қаватда ҳам айвон бўлиб, унда сув чархи жойлашган. Бу айвон чархни айланттирувчи ҳўкиз сақланадиган гумбазли хона билан қўшилиб кетган. Юқориги қаватда ҳам айвон ишланган бўлиб, унга ушбу қудуқ устидаги ҳовлидан икки тарафдаги беш-олти зинапояли йўлак орқали тушилади. Ушбу иншоотнинг ёнига яна бир қудуқ солинган бўлиб, унинг сатхи ўртача қаватдаги айвон сатхидан салгина юқорироқ. Гумбазли хонадаги ҳўкиз чархни айланттириб, сувни биринчи қудуқдан иккинчисига кўтариб беради. Иккинчи қудуқда яна бирчарх ясалганки, у сувни тепаликка олиб чиқади. Сувўша ердан баланд богчага оқиб боради.<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, Бобур сув таъминоти жуда оғир вазиятларда ҳам сув иншоотларини қуриб қақраб ётган жойларни боғ-бўстонга айланттирган. Бунда у маҳаллий халқнинг асрлар давомида синовдан ўтган қурилиш услубларидан фойдаланган. «Войин» каби сув иншоотларидан Ҳиндистонда Бобур давригача кенг фойдаланиб келинган. Бобур Секрида ҳам ана шу войинлардан биринни қаздиради, ҳовуз ва ариқлар олдиртириб, тошдан тарновлар ясаптиради. Шуниси қизиқки, қудуқлардан сув маҳсус чархлар ёрдамида тортиб олинган. Буюрилган иморат ва иншоотлар дидига мос келмаса Бобур усталарга пўписа ва сиёсат қилиб, қурилган иморатларни қайта тузаттирган: «...Якпора тошда буюрилгон калладор ҳавзнинг юзини бир мартаба кўтармайдурлар эди, буюрилдиким, сангтарошлар кўпроқ келиб, бир мартаба, ҳавзнинг тубини дуруст олсинларким, сув қуюб, атрофини тарозу қилса бўлгай...»<sup>2</sup>

Бобур Ҳиндистон билан Афғонистон ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ва савдо алоқаларини тиклаш ва мустаҳкамлаш ишларига кўп эътибор берган. Агра билан Қобул орасида муҳим, лекин вақт ўтиб осойишталиги бузилган карвон йўлини тиклашга уринган. Шу мақсадда хизматкор Чақмоқбекни ўз ҳузурига чақириб, Агра билан Қобул ўртасидаги масофани ўлчаб чиқиш ҳақида фармон беради.<sup>3</sup> Масофа ўлчовчиларга

<sup>1</sup> Ўша асар, 276-277-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, 287-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, 322-бет.

карвон йўлида ҳар 9 куруҳ (тахминан 20—22 км)дан сўнг кузатув минораси қуриб, унинг баландлигини 12 қари (7 м) га етказиш, миноралар устига назоратчи учун жой тайёрлаш тайинланган. Ҳар 18 куруҳдан сўнг олти отга мослаб жой тайёрлаш, ўрач отбоқарга мояна, отларга эса ем-хашак бериш буюрилган. Бу юмушлар Аградан Қобулга келиб кетувчи савдогарларга қулайлик туғдириш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган. Масофа ўлчамларига аниқлик киритиш учун Бобур қуйидагича тавсия беради:

Тўрт мингдур қадам била бир мил,  
Бир куруҳ они Ҳинд эли дер бил.  
Дедилар бир ярим қари бир қадам,  
Ҳар қари билки, бордур олти тутам.  
Ҳар тутам тўрт элик, яна ҳар элик,  
Олти жав арзи бўлди бил бу билик».<sup>1</sup>

Бобур Ҳиндистоннинг иссиқ кунларида ҳаммомда чўмилишни жуда ёқтирган. Ҳаммомлар саҳоватининг ёқимлилигини у шундай ёзади: «Ҳиндистоннинг уч ишидан мунтазар-рир эрдук: бир иссиғидин, яна бир гардидин, яна бир тунд елидин. Ҳаммом ҳар уччаласини дофин эрмиш. Гард ва ел худ ҳаммомда не қилур. Иссиқ ҳаволарда андоқ серун бўладурким, ёвуқдирким, киши совуққа тўнғай». Ҳаммом ҳимматини яхши тушунган Бобур ўз давлатида кўпгина ҳаммомлар солдиртирган.<sup>2</sup>

Бобур Аградалигида Қобулдаги тўраларнинг тартибсизлигига чек қўйиш ва ободончиликни тиклаш учун у ердаги барча вилоятларни ўз тасарруфига олади. У Қобулдаги аҳволни яхшилаш мақсадида мамлакатда кечиктириб бўлмайдиган ободончилик ишлари қаторига қуйидаги юмушларни киритади ва уларни тезда бажаришга фармон беради.<sup>3</sup> Энг аввал қўрғон ҳолатини тартибга солиш, сўнгра заруриятлар учун тежаб-тергаб ғамлаш, келиб кетувчи элчилар учун турар- жой ғамини ейиш, жума масжиди қуриш, мамлакатда карвонсарой ва ҳаммомларни тартибга келтириш, буларга пул ва харажатларни қонуний сарфлаш кўзда тутилади. Устод Ҳасан Али арқда ярмигача қурган гишт пештоқни битириш, бунда Султон Муҳаммад билан маслаҳатлашиб, иморатни мавжуд тарх асосида битказиш, агар илгару устод Ҳасан Али чизган тарх йўқолган бўлса иморатни бошқа бир яхши тарх тарзида келишиб битирсинким, токи имо-

<sup>1</sup> Уша асар, 326-бет.

<sup>2</sup> Уролов А. Халқ ҳаммомлари. Т., «Фан», 1987, 19-20-бетлар.

<sup>3</sup> Бобурнома, Т., 1989, 329-бет.

рат сахни девонхона сахни билан баробар бўлсин. Бундан ташқари Бобур Ҷобулга сув етказиб берувчи бандни тартибда сақлашни ҳамда Ғазна бандини тузатиш ишларини тайин этади.<sup>1</sup> Боғи Хийбон ва шу хийбондаги юмушлар, боғда сувнинг етишмаслиги, унга бир тегирмон сув келтирилиши зарурлиги ҳам тайин этилади. «Хожа Бастандан ғарби-жануб тарафга Тутўм дарадан бир тепалик устига сув келтириб (гап «Боғи Бобур» ҳақида кетмоқда — А. Ҳ.) ҳовуз ўрнатилиб, ниҳоллар экилган эди, улар ҳолидан ҳам хабар олмоқ, буга янги ниҳоллар экмоқ, тарх била чаманлар қилиб, чаманлар атрофида ҳушранг ва хушбуй гул ва райҳон тикмоқ».<sup>2</sup> зарурлигини ҳам ўқтиради.

Бобур ҳар бир ишда адолат юзасидан ҳаракат қилади. У «Бобурнома»да шундай бир ибратомуз ҳолни баён қилди: Бобур Ём воҳасида экан чоғида аскарлари бу кент аҳолисининг мол-мулкни зўрлик билан тортиб олади. Бундан хабар топган Бобур молни зўдлик билан эгаларига қайтариб беришни аскарларига қатъий амр қилади. Ҳақиқатан ҳам, эртасига «ннна синигию, ип учигача» барчаси эл қўлига қайтариб берилади.<sup>3</sup> Бобур ўзининг назмий тарзда битилган, иқтисодий муаммолар тахлилига бағишланган рисоласи «Мубаййин»да мулкдор гуруҳларнинг бева-бечора, қашшоқ-нотавоналрга доимий равишда кўмак бериб туришларини амр қилади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу билан Бобур мазкур буйруққа қонун тусини берган. «Мубаййин» аслида Бобур маънавиятининг навбатдаги бир ифодаси бўлиб, уни Бобур ўз фарзандлари ва шаҳзодаларга атаб ёзган, Амир Темурнинг «Тузуқлар»ига ўхшаш рух билан яратилган эди. Унда Бобур ўз фарзандларига нафақат раиятни қўриқлаш, давлатни ва салтанат мулкни асраш, балки бунёдкорлик ишлари билан ҳам фаол шуғулланиш зарурлигини маслаҳат қилган эди.

Бобур ўз замонасидаги меъмор, устакор ҳунармандлар ва бинокорларнинг шарафли ишларини олқишлаб, уларни ҳурмат юзасидан устод деб атайти. Устод Ҳасан Али мемор, устод Султон Муҳаммад бинокор, устод Шоҳ Муҳаммад тоштарош, Мир Муҳаммад кўприкчи, Шо Бобойи белдор (ер қазувчи маъносидан), устод Алиқул тўпчи шулар жумласидандир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Бобур Мирзо қаерга қадами етган бўлса ўша ерда бирон

<sup>1</sup> Уша асар, 329-330-бетлар.

<sup>2</sup> Бобурнома, Т., 1989, 329-330-бетлар.

<sup>3</sup> Уша асар, 342-бет.



бир меъморий иншоот, иморат ёки боғ бунёд этиш орзусида бўлган ва имкони борича бу орзусини амалга оширишга ҳаракат қилган. Унинг Ушда, Қобул, Қандаҳор, Одинапур, Деҳли, Агра, Секри, Гвалиор ва бошқа қатор шаҳар ва вилоятларда бунёд этган боғ-роғлари, кўшк-саройлари, бино ва иншоотлари, тўғон ва кўприклари бунинг исботидир. Бобур Мирзонинг «не иш қилсам хатолик бўлди» деган сўзлари асосан унинг сиёсий фаолиятига қаратилган бўлиб; бу сўзларнинг Бобурнинг бунёдкорлик ишларига заррача ҳам нисбати йўқдир. Аксинча, Бобур Мирзо ўзининг бунёдкорлик фаолиятидан қаноатлангани ҳолда бу соҳадаги ишларини буюк бобокалони Амир Темурга нисбатлаб тушунтирган ҳолларини биз юқорида учратдик.

Демак, бундан англашиладики, Бобур Мирзонинг саъй-ҳаракати билан бунёд этилган Агра яқинидаги «Қобулий» шаҳарчаси, Деҳлидаги «Қизил қалъа» саройи, Фотихпур Секридаги кўркам шаҳар ва ундаги гўзал иморатлар, ўнлаб дилкушо боғ-роғлар ва ободончилик иншоотлари Амир Темур ва темурийларнинг XIV—XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда амалга оширган ўзига хос меъморий анъаналарининг изчил давоми тарзида юзага келди. Бобур Мирзонинг ана шу амалга оширган бунёдкорлик ишларида Урта Осиёда Амир Темур асос солган меъморий маҳобат ва мунақашлик ёки бошқача сўз билан айтганда Темурнинг кенг кўламлилиги, яратувчанлик йўналишининг руҳияти ва услубияти кенг жорий этилди, амалда сингдирилди.

## БОБУР ВА БОҒ-ОРОЙИШЧИЛИК САНЪАТИ

«Бобурнома»ни ўқир эканмиз, унда Бобур Мирзонинг ёшлик йиллари Андижондалик вақтидаёқ ушбу шаҳар атрофидаги қатор боғ-роғлар ҳақида хабар берганлигини кўрамиз. Жумладан, у Андижондаги учта йирик боғ ҳақида хабар беради. Шулардан бири Қўштегирмон боғи бўлиб, у Бобурнинг онаси томонидан бибиси бўлган Эсин Давлат бегимга тегишли бўлган. Ушбу боғ ёнида шикор машқлари учун мўлжалланган қўриқхона ҳам ташкил этилган бўлган<sup>1</sup>. Ҳозир ҳам Андижондаги маҳаллаларнинг бири «Қўштегирмон» номи билан аталиб келиниши боғнинг ушбу маҳалла ўрнида жойлашганлигидан далолат беради. Маҳалла Андижоннинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб,

<sup>1</sup> Абдулгазиева Б. О чарбагах Андижана эпохи Темуридов. «Мирзо Улуғбек ижоди ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни» мақолалар тўплами. Самарқанд, 1994, 155-бет.

«Тўққиз ариқ» маҳалласининг ғарбий қисмига ёнма-ёнidir. Бундан кўриниб турибдики, Қўштегирмон боғи ана шу ариқдан сув ичган.

«Бобурнома»да тилган олинган иккинчи боғ — Ҳофизбек боғидир. Бу боғ Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзонинг амирларидан бири бўлмиш Ҳофиз Муҳаммадбек Дўлданиннг боғи ҳисобланган.<sup>1</sup> Боғ шаҳардан жанубий-шарқий томонда, яъни Уш йўналишида жойлашган бўлиб, Бобур унда Ушга юришга тайёрланаётган пайтда (1499 — 1500 йилларда) тўхтаб ўтган.

Учинчи боғ — бу Бобур чорбоғи бўлиб, Бобур отасининг фожиаи ўлими ҳақидаги хабарни ушбу боғда эканлигида эшйтган. Боғ Андижондан шимол ёки шимолий ғарб тарафда жойлашган. бўлади.<sup>2</sup> Бобур Андижоннинг жануб томондаги Ҳоқон дарвозасидан бошланувчи яна бир нечта боғлар ҳақида эслатиб ўтсада, уларнинг номларини ёки ҳу. сусниятлари ҳақида ёзмаган. Бобур Самарқандни олган кезлари бу ерда Темур ва Улугбек, ҳамда бошқа беклар, масалан Амир Тархон бунёд этган гўзал ва жаннатсифат боғсаройларни тамошо айлаб, уларда дам олгани ва уларнинг таърифини «Бобурнома»да ёзиб қолдирганлигини биз юқорида кўрдик.

Маълумки, Бобур Қобулда Боғи Бобур, Аграда Боғи Хишт Бехишт, Хилватхона, Зарафшон Боғи, Оромгоҳ (Нурафшон) сингари хушманзара ва дилкушо боғроғлар яратди. Бобур ҳаётини ўрганиш учун Ҳиндистонга борган ўзбек олими Ҳ. Ҳасанов Бобурнинг Оромгоҳ боғи Агра марказидан 2,5 км нарида, Жамна дарёсининг чап қирғоғида жойланганлиги, ҳозирда эса бу боғнинг номи Ромбог деб аталишини ёзади.<sup>3</sup> Булардан ташқари Бобур Ҳиндистоннинг бошқа жойларида ҳам хушманзара боғлар ташкил этганки, Секридаги Боғи Фотих, Дилпурдаги Нилуфар боғи, Гвалиор боғи, Боғи Назаргоҳ шулар жумласидандир.

Бобур боғлар учун жой танлашда ўта дидли ва нозик табиатли бўлган. Дилпурдаги Нилуфар боғини у тоғ қиялари этагидаги хушхаво ва хушманзара дарахтзор асосида яратди. У ердаги мавжуд қизил тошлардан фойдаланиб боғ учун яхлит ҳовузлар, супалар ясаттиради. Бобур ўзининг Қобулдаги боғларига норуҷ (апельсин), анор, чинор ва тол ниҳолларини эктирса, Ҳиндистондаги боғларига ан-

<sup>1</sup> Уша ерда.

<sup>2</sup> Уша асар. 156-бет.

<sup>3</sup> Ҳасанов Ҳ. Бобур сайёҳ ва табиатшунос. Т., 1983, 54-бет.

ба (манго) ва жаман дарахтлари, ток ниҳоллари ва қизил канири гулларидан эктиради.<sup>1</sup>

«Хумоюннома»да Гулбаданбегим ёздириб қолдирган маълумотларга қараганда Бобур умрининг охириги йилларида ҳам нафақат Аграда, балки Делалпур, Фотихпур — Секри ва бошқа шаҳарларда меъморчилик ва боғ-оройишчилик ишларини амалга оширган ва бундай ишлар аҳволидан хабар олиб турган.

Бобур яратган боғлар режаси тарткибий қисмлари жиҳатидан Темурийлар давридаги Самарқанд, Шоҳрух, Ҳусайн Бойқаро ва Навоий давридаги Ҳирот боғларига яқин турсада, уларнинг ҳаммаси ўшаларга айнан ўхшаш деб айта олмаёмиз. Чунки, бунга «Бобурнома»да тўғридан-тўғри бирон бир ишора йўқ. Шунингдек, Бобур давридаги боғларнинг ўлчовлари ҳақида ҳам тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Аммо, «Бобурнома»дан шу нарса маълумки, Бобур боғларининг аксарияти Темур боғлари каби табиатнинг хушманзара жойларида ташкил этилган бўлиб, мавжуд экинзорларга «сиёқлик ва тархлик» режалари билан сунъий тузатишлар киритган ҳолда яратилган. Бобур боғ учун жой танлаш ва уни режалашда дарахтзорлар ва оқар сувнинг мавжудлигини, турли-туман сув ҳавзаларига бой бўлган манзарали жойларни ҳамда қурилиш ашёларининг мавжудлигини муҳим талаблар қаторига қўяди. Бундан ташқари суғориш учун ариқлар ўтказиш, зарур қияликлар ташкил этиш ҳам Бобур назаридан четда қолмайди. «Бобурнома»ни варақлар эканмиз. Бобур боғларининг режавий тузилиши икки хил — ҳандасавий шакллар асосида режаланган тартибли ҳамда эркин табиат тарзида манзарали кўринишларда бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу эса бобокалонимиз Амир Темурнинг Самарқанд боғларига хос услубларидир.<sup>2</sup>

«Бобурнома»да ишланган расмлардаги боғлар тасвирига қараб Бобур боғларининг аксарияти «чорбоғ» тартибидаги чорчаман ва хиёбон қоидаларига бўйсунган ҳолда режалаштирилганлигини кўрамиз. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи ҳам боғларнинг тартиб билан «сиёҳ ва режа» асосида қурилиши зарурлигини бир неча бор қайд қилиб ўтади.

Тартибли ҳандасавий кўринишдаги боғлар кўпроқ нисбатан текис ерларда жойлашган шаҳар ичидаги мўъжаз боғ-саройлар ва боғ-мақбараларга мос келса, манзарали боғлар шаҳардан ташқаридаги тоғ ва қияликларда жойлашган кенг майдонли сайргоҳ боғларга мос келган. Боғлардаги

<sup>1</sup> Уролов А., Сувонқулов И. Алломалар олами. Т., 1991, 61-бет;

<sup>2</sup> Уша асар, 64-бет.

айвон иморатларга туташтирилган, дам олиш супалари ҳовуз ва фавворалар қошида, ҳовузлар эса ўқ ариқларга боғланган бўлган, серсоя дарахтлар қуёш ҳаракатини эътиборга олган ҳолда хиёбон ва йўлақлар бўйлаб ҳамда ҳовузлар атрофига экилган. Манзарали ва мевали дарахтлар бир-бири билан тўлдирилган, гулзорлар эса очиқ майдонларда шийпонлар атрофида барпо этилган. Гуллар танлашда уларнинг очилиш мавсумига эътибор берилган.

Манзарали дарахтлар орасида қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб ўсувчи арчасимон сарвқомт дарахтлар ҳам бўлган. Бундай дарахтлар ўзларининг тигиз барги, хушманзаралиги билан бошқа дарахтлардан фарқ қилган, ўзларидан хушбуй ҳидлар чиқариб, ҳавони тоза ва соғлом қилган.

Бобур ўзини Одинапурдаги Боғи Вафосини янада хушманзара қилиш мақсадида Ҳиндистондан палма ва шакарқамиш олиб келтириб эктиради. Ҳиндистондаги Хашт Беҳишт боғига эса аксинча, ток ва олхўри ниҳоллари эктиради. Бадахшон ва Бухоро боғларига ҳам шакарқамиш ниҳолларидан юбортиради.

Бобур бинокорлик ва меъморчилик, богдорчиликка қизиқар экан, шахсан ўз дидига мослаб боғ ва саройлар барпо этгани, албатта табиий. Бобурнинг меъморчилик ва бог-истироҳатчилик соҳасидаги диди ва тасаввури эса Туркистон ва Хуросон ҳудудида, асосан Темурийлар даври меъморчилиги ва боғройиши таассуротларидан келиб чиққан ҳолда шаклланди ва сайқал топди. Шу боис ҳам Бобурнинг истақ ва талабларини амалга оширган меъмор ва ҳунармандлар қаторида Туркистон ва Хуросон ижодкорлари етакчи ўринни эгаллаган бўлиши мумкин. Айни пайтда, Бобурнинг Ҳиндистон шаҳарларида, айниқса, Аградаги катта қурилишларида кўплаб ҳинд бинокорлари ҳамда турк меъморлари ишлаган. Ҳатто, Аграда айрим қурилишлар истамбуллик машҳур меъмор Хож Синонинг иқтидорли шогирди Юсуфнинг чизмалари бўйича тикланганлиги ҳам бизга тарихдан маълум. Лекин, бу ишларнинг бошида бобокалонимиз Бобур турганлиги учун ҳам шимолий Ҳиндистоннинг бу даврдаги архитектурасида Туркистон меъморчилиги услуби, тўғрироғи Темур ва темурийлар услуби ва анъаналари тадбиқ этилган дейишга тўла ҳаққимиз бор.

Биз Бобурнинг меъморчилик, бог-истироҳатчилик, меъморчилик соҳасидаги фаолиятини тўлиқ баён этдик, деб айта олмаймиз, зеро «Бобурнома»да тушиб қолган варақлар кўп. Биз уларни кўрганимиз ва ўқиганимиз йўқ. Уша тушиб қолган йиллар тасвирида бог-оройиши, меъморчилик

ва ободончиликка доир энг зарур маълумотлар тилга олинган бўлса ажаб эрмас.

«Бобурнома»дан ташқари ҳозиргача илм хазинасига келиб қўшилган Бобур асарларидан унинг аруз вази ва қофия ҳақидаги «Муфассал» номли рисоласи, «Ҳинд девони» номли шеърлар тўплами, ҳуқуқшунослик ва солиқ тартибларини баён этувчи ва фарзандларига қўлланма тарзида ёзилган «Мубаййин» номли асари, Хўжа Ахрорнинг «Рисолаи Волидия» деб аталган тасаввуфга оид китобининг назмдаги туркийча таржимаси, Бобур ихтиро этган ва «Хатти Бобурий» номи билан машҳур бўлган алифбо жадвали ҳамда, Бобурнинг мусиқа илми бўйича «Мусиқий», ҳарбий ишларга оид «Ҳарб иши» рисолалари унинг кенг ва чуқур билимли қомусий олим, ўта юқори даражадаги маданиятга эга бўлган улкан бунёдкор ва маърифатпарвар инсон бўлганлигидан далолат беради.

Бунинг устига Бобур Мирзо жисмонан ўта паҳлавон, жасур, довжорак, олижаноб инсон ҳам бўлган. Бизга ёшлигимизда ўқитувчиларимизнинг рус саркардалари Суворов ва Кутузовларни мақташиб, уларнинг жанглардаги жасурлиги, ҳарбий таланти ҳақида оғиз тўлдириб гапириб беришгани ҳали-ҳали ёдимизда. Биз Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарини, шу ҳақдаги киноэпопеяни ҳамда Москвадаги «Бородинская битва» понарамасини кўргангимизда бунга ишонч ҳосил қилиб, қойил ҳам қолганмиз. Лекин, бобомиз Бобурнинг жасурлиги ва саркардалик маҳорати ўша Суворов ва Кутузовлардан ўтса ўтишини, аммо қолишмаслигини билмас эдик. Фақат биз бу ҳақда оғиз очмай келдик, гапирсак ҳам ўн баробар пасайтириб, шивирлаб гапирдик. Ваҳоланки, Бобур ўзининг ҳарбий жасоратини тарихда Суворов ва Кутузовлардан анча олдин намоён қилиб, бобокалони ва авлоди Амир Темурдан кейин тарих саҳифасида буюк саркардалик маҳоратини бир неча бор кўрсата олган эди. Шунинг учун ҳам у турли миллат вакилларидан тузилган байналмилал қўшини билан ўзга юртларда мардонвор жанглар қилиб, «Буюк мўғуллар»<sup>1</sup> салтанатига асос солган эди. Бу салтанат Ҳиндистонни кичик танаффуслар билан 1526 йилдан 1885 йилгача, яъни 332 йил давомида бошқариб турди.. Бобурийлар сулоласи тарихда тараққий-

<sup>1</sup> «Буюк мўғуллар» ибораси Ҳиндистонга аслида чет эллардан, Европа мамлакатларидан кириб келган. Бобурийлар тарихий ҳужжатларда ўзларини «Бобурий мирзолар» деб юритишган. «Буюк мўғуллар» ибораси аслида Чингизхон ва ундан кейинги мўғул ҳукмронларига таллуқлидир. Таниқли шарқшунос В. В. Бартольд «Европаликлар Темурни ва унинг ўғиллари ҳамда набираалрини мўғуллардан тарқалган деб

парвар сулола сифатида бутун жаҳонга танилди. Табиийки, бу ҳақда ва шахсан улуғ бобомиз Бобурнинг намунавий ҳарбий маҳорати ва жанглардаги жасорати ҳақида рус саркардалари Суворов, Кутузов ва Багратионлар хабардор эдилар.

Биз ўзбекларда «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ» деган нақл бор. Боболаримиз Амир Темур, Бобур ва уларнинг буюклиги неча вақтлар қадрсиз сув бўлиб оқди, ўшанда улар улкан бир азим дарё, ҳатто мавжли денгиз бўлиб оқиши ҳам мумкин эди, лекин биз уларни кўра олмадик. Чунки, кўзимизни хира босган, мафкурамиз эса носоз эди. Тўғрироғи уларни биздан бекитишди. Лекин, ўшанда ҳам Суворов ва Кутузовлар ҳақида гапирсалар мароқ билан тинглр, нималарнидир тушунмоқчи бўлар эдик. Ўзимизнинг ойдай «генераллиссимус»ларимиз (Амир Темур ва Бобурлар) бўла туриб, бизга қаёқдагиларни ва муҳими ўзимизникилардан кейин ўтганларни тушунтирар эди. Қаҳратон қишда, баланд тоғлар устида қўшини билан бирга ўхлаган, анҳордаги музни ёриб, ўшанда ях сувга 16 бор шўнғиб «морж» бўлган, жасур сузувчи ва ажойиб ғаввос, табиатан қўрқув ва саросима нима эканлигини билмаган, исми-жисмига монанд» «шер», неча бор тенгсиз ғазоватларда ғолиб чиққан маҳоратли саркарда, ўзга юртларда ҳам эл суйган адолатли шоҳ бўла олган улуғ бобомиз Бобур ўша кезларда «генераллиссимус» шарафидан ҳам бир неча бор юқори турмасмиди?! Бу тағин бобомизнинг бир ёқлама шон-шарафи холос, қолганлари эса яна карвон-карвон!

Бобур одамларни ҳар гал мухтожларга ғамхўр, мазлумларга ҳамдард бўлишга, эл-улусга яхшилик қилишга чақирарди.

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,

Бу беш кун учун ўзингни асру тутма...

Бори элга яхшилиғ қилғилки, андин яхши йўқ,  
Ки дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Бобурнинг фикрича, яхшиликнинг маъноси мамлакатни обод қилиш, илм-фанни эгаллаш, халққа яқин бўлиш, рост-гўйлик, адолатли бўлиш каби хислатлардир. Бобур эл-юртга нафақат ўзининг юксак маънавияти, шеърлари, ширин-

---

ҳисоблаб, Бобур салтанати учун «буюк мўғуллар» деган ном тўқидилар», деб ёзади. Бу ноўрин ибора Оврупадан Ҳиндистонга «кўчиб» келиб, инглиз тилидаги адабиётлар воситасида бутун Ҳиндистонга ҳам ёйилган. Қаранг: О. Мўминов. Ҳозибали ўлка, Т., «Меҳнат», 1991, 8-бет.

суханлиги билан, балки меъморчилик, юрт маъмурчилиги. бог-роғлар бунёд этиш орқали ҳам яхшилик қила олди.

Бобур Мирзонинг бунёдкорлик мавқеи алоҳида бинолар қуриш ёки бир нечта бинолар таркибидан иборат қатор меъморий анжуманлар бунёд этиш билангина чекланиб қолмасдан яхлит янги шаҳарларни яратиш, боғ-истироҳатчилик соҳаси, суғориш ва ободончилик иншоотлари, бинокорлик билан боғлиқ бўлган халқ амалий санъатини ривожлантириш соҳаларини ҳам кенг қамраб олган. Агра яқинидаги «Қобулий» шаҳри, Фотихпур Секридаги шаҳар, Аградаги «Қизил қалъа» истекоми, Қобул ва Лахордаги гўзал бог-роғлар ва саройлар, Ғазна ва Қобул яқинидаги тўғонларни тuzаттириш, «воин» тарзидаги ўнлаб қудуқларнинг қаздирилиши ва қурулиши Бобур Мирзонинг бунёдкорлик маънавиятидаги ана шундай кенг ва теран тафакурунинг махсулидир. Бунинг натижасида Бобур Мирзо эл-юртга маърифат тарқатишда, мусулмонлар ва ҳиндулар, турли миллат халқлари орасидаги дўстликни, биродарликни, ҳамкорликни мустаҳкамлашда, мамлакат иқтисодини, халқ меҳнати, қалб қўри ва заковатини салтанат тараққиётининг ривожи сари йўналтиришда тинмай меҳнат қилди ва бунга жавобан нафақат ҳинд халқининг, балки барча маърифатпар жаҳон халқларининг ҳам ҳурмат-эътиқодини қозонди.

## **БОБУРИЙЛАР ДАВРИДА МЕЪМОРЧИЛИК, ШАҲАРСОЗЛИК ВА БОҒ-ИСТИРОҲАТЧИЛИК САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

Бобурнинг бунёдкорликка, шеъриятга, табиатга, маъмурчиликка, умуман маънавиятга бўлган қизиқиши унинг авлодларига ҳам ўз таъсирини кўрсата олди. Яратувчилик фаолияти Бобурнинг ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон Мирзолар, қизи Гулбаданбегим, набираси Акбаршоҳ чебараси Жаҳонгиршоҳ, паннабираси Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеблар ҳаётига ҳам сингиб кетди.

Бобурдан кейин, Ҳиндистонда 1530 йилдан бошлаб, унинг тўнғич ўғли Ҳумоюн (1508—1556) ҳукмронлик қилади. Ҳумоюн отаси Бобурнинг Қобулдаги саройида тарбияланган эди. Ўз даврининг шахзодалари сингари Ҳумоюн ҳам ҳарбий билимлари, сиёсат илмини, табиий фанларни қунт билан ўрганади. Шу билан бир қаторда турк ва форсий тилларни чуқур ўзлаштиради. Илми-ҳандаса, илми-нужумларни эгаллайди. Шоир ва олим бўлиб етишади. Риёзиётда моҳир билимдон бўлади. Бўш пайтларининг кўпчи-

лигини китоб ўқишга, олимлар суҳбатига бағишлайди.<sup>1</sup> Бироқ Ҳумоюн маданий ва ўқимишли бўлсада, жангларда отаси Бобур каби чиниқмаган, шижоатли эмас эди. Бундан фойдаланган афғон сур қабиласининг етакчиси Шерхон, 1540 йилдаги Ҳумоюн билан бўлган мухорабада ғолиб чиқиб Деҳлини эгаллайди. Ҳумоюн Эрон шоҳи ҳузурига чекинишга мажбур бўлади. Ҳумоюн кейинроқ эрон ва афғон қабиаларидан аскар тўплаб<sup>2</sup> дастлаб Афғонистонни ўз тасарруфига олади. Кейин 1555 йилда Деҳлини эгаллайди ва қайта тахтга ўтиради.

Ҳумоюн отаси Бобурдан ибрат олиб дин пешволарининг давлат аҳамиятидаги сиёсий ишларга аралашувини, бу ишларда уларнинг мавқеи ўзиди юқори туришини истамайди. «Қонуни Ҳумоюнӣ» деган янги низом жорий этиб, қўли остидаги одамларни уч тоифага бўлади.<sup>3</sup> Биринчи тоифа — аҳли давлат, унга подшоҳ, вазирлар, бек ва аъёнлар киради. Иккинчи тоифа — аҳли саодат, яъни дин пешволари, уламолар, шоирлар, олимлардан ташкил топади. Учинчи тоифага аҳли мурод, яъни аслзода аёллар, созандалар, хонандалар, мусаввирлар ва бошқа санъаткорлар киради. Ҳумоюн даврида Ҳиндистонда минитюра мактаби шаклланади ва фаолият кўрсатади. Ҳумоюннинг ўзи форс ва туркий тилларда шеърлар битиб, Деҳлида кўп минг томлик шоҳона кутубхона ташкил этади.

Тарихий манбаларга кўра, Ҳумоюн Ҳиндистоннинг Агра, Гвалиор каби қатор шаҳарларида бир нечта турар жойлар, саройлар ҳам бунёд этган. Унинг фармойишига биноан Деҳли шаҳри яқинида Жамна дарёси соҳилларида янги шаҳар — «Дини Панох» қад кўтаради.<sup>4</sup> Ҳумоюн Ҳиндистонни қайта эгаллагач Эрон билан маданий алоқаларни яхшилашга эришади. Ҳумоюн саройида Оғо Ризо каби иқтидорли мусаввир-миниатюристлар, ҳиротлик машҳур рассом Мир Сайид Али Хожанинг шогирдлари, Абду Самад Шерозий ва бошқалар махсулдор ижод қиладилар. Ҳумоюн 1556 йилда Деҳлидаги ўзининг сарой кутубхонаси зинасидан йиқилиб фожиали вафот этади.

Ҳумоюннинг вафотидан сўнг унинг ўғли Акбаршоҳ (1542—1605) Ҳиндистонда 1556 йилдан 1605 йилгача ҳукмронлик қилган ва ўзининг санъат ва маданият, меъ-

<sup>1</sup> Нуриддинов М. Бобурийлар сулоласи. Т., 1994, 10-бет.

<sup>2</sup> Нуриддинов М. Бобурийлар сулоласи. Т., 1994, 9-10-бетлар.

<sup>3</sup> Пиримқул Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар. Тарихий роман. Т., 1994, 30-бет.

<sup>4</sup> Қариева Н. С. Тадж-Махал — памятник индо-мусульманского искусство и зодчества в средние века. АИСУ, 1990, №6, 37-бет.



морчилик соҳасидаги фаолияти бўйича Бобурийлар сулоласидаги подшоҳлар ичида энг буюги ҳисобланади.

Акбаршоҳ дастлаб бобоси Бобур Мирзо пойтахт этган Аграда туриб мамлакатни бошқарган. Бу ерда у ажойиб саройлардан иборат истеҳком — Қизил қалъани, яъни Агра кремлини бунёд этади. Бунинг учун у харобаларга айланган эски Бадалгарх қалъасини тозалаб, унинг ўрнига янги қалъа учун улуғвор деворлар ва саройлар бунёд этади. Қалъа деворлари атрофидаги сувли зов, ўз даврида қалъани муҳофаза қилиш воситаларидан бири ҳисобланган. Қалъани Акбаршоҳнинг сарой меъмори Муҳаммад Қосимхон лойиҳалаштиради. Қурилиш 8 йил (1565—1573) давом этади. Қалъа ичидаги ҳарбий қўрғон учбурчак шаклида бўлиб, асоси Жамна дарёси бўйлаб 8 километрга чўзилган. Қалъа ҳозир ҳам мўъжаз ва мумтоз, ораста ва обод шаҳарни эслатади.<sup>1</sup> Қалъа исидидаги саройу кошоналар бошдан оёқ қизил тошдан, улардаги саройларнинг сахни ва деворлари эса оқ мрамрдан фаршланган. Мрамрлар пардозланиб, турли хил қимматбаҳо тошлар билан жило берилган. Сал кейинроқ Акбаршоҳ Аградан 42 километр жанубий-ғарбда жойлашган тоғ боғридаги Фотихпур Секри қишлоғидан янги шаҳар бунёд этиб (1569—1574 йиллар), пойтахтини шу ерга кўчиради. Деворлар билан ўралган янги пойтахтда маҳобатли дарвозалар, саройлар, қабулхоналар, ажойиб масжидлар, гўзал манзараларга тўла гулзору-боғлар, ҳовузлар, ҳаммомлар барпо қилдиради. Ёз кечалари ўтириш учун Секрида тош ва мрамрдан баланд бир шийпон — маҳобатли кўшк ҳам қурдирган. Айтишларича, кўшк режаси ва шаклу-шамойилини Акбаршоҳнинг ўзи чизиб берган экан.<sup>2</sup> Акбаршоҳ махсус қабул кунлари ушбу мўъжаз саройдан фойдаланар экан. Ушанда у ўртадаги маҳобатли устун устига ўтириб, бош маслаҳатчиларини эса кўприклар этагига ўтқазар экан. Қабулига келган кишилар саройга киргач, биринчи қаватдан ўз арзларини ёки таклифларини изҳор этарканлар. Шоҳ зарурат туғилганда маслаҳатчилардан бирини чақиритрар эканки, токи қолганлари ишга аралашмасин. Кўшкнинг чор атрофи ҳовуз ва боғ бўлган. Боғдаги анвайи гуллар муаттар ҳид таратган, салқин хибонлар дилга ҳузур бағишлаган.

Агра ва Фотихпур Секридаги Акбаршоҳ бунёд этган қаср ва боғлар бир-биридан чиройли, ораста ва гўзал бўл-

<sup>1</sup> Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. Т., «Меҳнат», 1993, 42-бет.

<sup>2</sup> Вистара. Архитектура Индии. Бомбей, 1986, с. 81:

ган. Боглар ва гулларга бурканган бу қалъа ва саройлар ичида турли фавворалар, шилдираб оққан ариқлар, хонакн бўғилар ва товус қушлар мавжуд бўлган. Фотихпур Секрида бўлган инглиз сайёҳи Ральф Финч Акбаршоҳ саройида кўрганларини ҳаяжон билан шундай тасвирлайди: «Акбаршоҳнинг Агра ва Фотихпур Секрида 100 та фили, 30000 оти, 1400 та хонаки буғилари, шунингдек жуда кўп қоплон, йўлбарс, буйлов, товус ва лочинлари бор. Унинг саройи, ҳаддан ташқари ҳашаматли ва дабдабали. Агра ҳам, Фотихпур Секри ҳам жуда катта шаҳар: уларнинг ҳар бири Лондондан катталиқ қилади.<sup>1</sup> Ҳа, дарҳақиқат Бобурийлар даври, айниқса Акбаршоҳ даври шаҳарсозлиги ва меъморчилигига ҳашамат ва маҳорат жуда хос бўлган. Агра ҳам, Фотихпур Секри ҳам ўзининг маҳобатли қалъалари, саройлари, масжидлари, боғ-роғлари ва улардаги турли хил оро, йишлар билан ҳам ажралиб турган. Фотихпур Секри ҳозирги даврда ҳам сайёҳлар учун улкан музей. Шаҳар яратиш Акбаршоҳ маънавиятига хос файзли юмуш ҳисобланган. Акбаршоҳнинг таржимаи ҳолини ўрганган Абулфазл ўзининг «Ойини Акбарий» рисоласида бундай деб ёзади: «Аъло ҳазратлари гулларни тангрининг улуғ марҳамати, деб ҳисоблайдилар ҳамда уларга зўр эътибор билан қарайдилар. Шу туфайли бу ердаги боғларда Эрон ва Олтойдан келтирилган ўсимликлар ўсади, бог барпо қилиш ишлари гуллаб-яшнамоқда.<sup>2</sup>

Акбар Кашмир водийсида Сринагар шаҳридаги Дал кўли бўйида ҳам «Насим боғ» деган ажойиб бир чорбоғ барпо қилади. Лекин афсуски, бу чорбоғдан ҳозир фақат чинорларгина сақланиб қолган, холос. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Темурийлар чорбоғларни шаҳар атрофидаги табиатнафис жойларда бог-ройишчилик санъатининг гўзал намуналари тимсолида бунёд этган бўлсалар, Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда чорбоғ услубини шаҳар ичига, меъморий обидалар муҳитига олиб кириб, бу санъатга янги йўналиш беради. Ана шундай меъморий обидалар билан омихта бўлиб талқин этилган чорбоғ услубининг янги йўналишини Деҳлида Акбаршоҳнинг отаси Ҳумоюнга бағишлаб 1566 йилда қурдирган «мақбара-боғ»ида кўрамыз. Қизил қумтошдан оқ мрамар билан сайқал бериб ишланган бу мақбара-боғ Бобурийлар сулоласи меъморчилигининг Деҳлидаги дастлабки мўъжизакор намуналаридан бири бўлди. Мақбара атрофига бунёд этилган чорбоғ бу ерда мақбара учун

<sup>1</sup> Мўминов О. Ҳозирбали ўлка. Т.: «Меҳнат», 1991, 205-бет.

<sup>2</sup> Рандхава М. Сады через. М.: 1981, 119-бет.

манзарага бой, жозибадор, киши руҳини очадиган меъморий муҳит вазифасини бажарган. Мақбара атрофидаги чорбоғ услубида симметрик тарзда жойлаштирилган сув ҳавзалари, жилдираб оққан ариқлар бўйлаб қатор дарахтлар, серсоя хиёбонлар барпо этилган. Ҳумоюн мақбара чорбоғи Деҳлида ҳозир ҳам сақланиб қолган энг гўзал ва маҳобатли обидалардан биридир.

Акбаршоҳнинг мақбара-боғларидан яна бири Аградаги Секандрда ўзига атаб қурдирган мақбара атрофидаги боғдир. Бу боғ ҳам Темурийлар анъаналарига хос бизгача етиб келган чорбоғ услубидаги оромбахш боғлардандир.

Юқорида кўрдикки, Бобурийлар яратган боғлар ғоявий жиҳатдан икки хил: биринчиси, подшоҳларнинг ўзлари ва хос кишилари ҳордиқ чиқарган истироҳат боғлари, иккинчиси эса уларнинг мақбаралари жойлашган боғлари, яни мақбара боғлардир. «Мақбара-боғлар подшоҳларнинг руҳлари шод бўлсин, улар гулларнинг муаттар ҳидларидан доимо баҳраманд бўлсинлар, деган ниятда барпо қилинган», деб ёзади ҳиндистонлик олим М. Рандхава.<sup>1</sup>

Акбаршоҳнинг ўғли, Бобурнинг невараси, бобурийлар сўлоласининг тўртинчи ҳукмрони Нуриддин Жаҳонгиршоҳ ((1569—1627) боғ-оройишчилик соҳасида отаси Акбаршоҳдан ҳам ўзиб, тасвирий санъат ва боғ яратиш санъатининг ҳомийси сифатида тарихга кирди. У Кашмирда Шалимар, Атхабала, Веринаг боғларини, Ғарбий Покистонда Ҳасан Абдал булоқлари қошидаги Вах боғини, Аграда Давла, Лажурда Дилкушо номли боғларни барпо қилдирди. Жаҳонгир табиатшунослик билан ҳам шуғулланган, қушлар ва ўсимликлар дунёсини ҳам яхши билган.

Шу билан бирга Жаҳонгир табиатан ҳис-туйғуга берилувчан киши бўлган. Унинг ўспиринлик чоғида севиб қолган Анаркалий, яъни Анор ғунчаси исмли севгилисини отаси Акбаршоҳ қизларга бехос қилиқлари учун қаттиқ жазолаб ўлдиртириб юборади. Жаҳонгир тахтга ўтиргач, марҳум севгилиси хотираси учун мрамрдан мақбара қурдиртиради. Кейинчалик Мехрун-Нисо исмли гўзал бир жувонга уйланиб, унга Нур Жаҳон, яъни Жаҳон Нури деб исм беради. Нур-Жаҳон эрининг боғ-роғлар ва табиатга бўлган муҳаббатини кўриб, ўзи ҳам боғу-гулларга қизиқиб қолади. Атиргул мойини шу аёл кашф қилган, деган ривоят ҳам бор.

Жаҳонгирнинг нафис дидини, айниқса, Кашмир водийсининг гўзал ва беқиёс табиати ўзига мафтун этади. Жа-

<sup>1</sup> Рандхава М. Сады через века; М., 1981, 127-бет.

ҳонгир ўзоқ Қобулдан ўзи учун келтирилган олча, узум ва хушбуй қовунни жуда хуш кўрган. Кашмирда у ўз қўли билан олчазор бунёд этиб, ҳақиқий боғбонларга ўхшаб ўзи ештирган ҳосилдан татиб кўришни яхши кўрган.

Боғ-роғлар яратишда Жаҳонгир Бобурийлар ичиди биринчи бўлиб «Чор чинор» услубини қўллаиди. Бу услубга кўра, чорси (квадрат) ер саҳнининг тўрт чеккасига тўртта чинор экилган ва ушбу саҳнининг ўртаси ҳамиша соябон ва салқин бўлиб турган.

Жаҳонгир отаси Акбаршоҳ каби Кашмир водийсида саёҳат қилишни жуда-жуда ёқтирган. У бу ерда ўз қўли билан олчазорлар бунёд этади. Жаҳонгир Кашмирдаги Дал кўлининг шимолий соҳилидаги қияликда Шалимар боғини барпо этади.<sup>1</sup> Шалимар боғининг режаси чўзинчоқ поғонасимон тўғри тўрт бурчак шаклида (500-200 метр) бўлиб, уч қисмдан тузилган: ташқари боғ, марказий ёки шоҳона боғ ва ичкари боғ. Ташқари боғ манзараси очиқ яшил майдон тарзида бўлиб, улкан шийпон кўринишидаги подшоҳ қабулхонаси билан тугалланади. Шоҳона боғ саҳни икки поғонадан иборат. Унинг марказий қисмида ўз даврида шоҳ аъёнларига мўлжалланган қабулхона жойлашган. Ичкари боғ эса шоҳ оиласига мўлжалланиб, бу ердаги мунаққаш саройлар орқадаги қорли улугвор Махадев тоғлари манзарасида жойлашган Ана шу манзарали тоғ қояларидан бошланган ўқ ариқ Шалимар боғи ичидан кесиб ўтиб, пастда жойлашган кўлга туташ кенг хиёбон ҳосил қилган. Ариқнинг икки четига улугвор чинорлар қаралган. Боғ саҳнларидаги чорчаманларга экилган нарғисгул ва лолазорлар дилни яйратади. Шалимар боғи ҳозир ҳам ўзининг кўркем манзараси ва жозибadorлиги билан киши ақлини лол қолдиради.

Анантанг тоғ яқинидаги Ачхабал боғи ҳам Жаҳонгир номига алоқадордир. Недр ўрмонларига бурканган тоғдан сизиб чиқадиган зилол булоқ суви боққа ҳаёт баҳшида этади. Ачхабал боғи ҳам поғона услубида қўрилган бўлиб, бу

<sup>1</sup> Шу номдаги боғлар Ҳиндистондагина эмас, балки Эрон ва Покистонда ҳам кенг тарқалган. Меъморчилик доктори М. С. Булатовнинг фикрича, Шалимар ибораси «шали» ва «мадар» сўзларининг бирикмасидан тузилган. «Шали» — квадрат тўқима тарзида ишланган қалин жун газлама тушунчасини билдиради, «мар» — бу «мадар», яъни она, бошқача сўз билан «ер», «боғ» маъносини англатади. Демак, Шалимар, — бу тархи чорси тўқимаси тарзида ишланган боғнинг қисқартирилган номидир. Қаранг; Булатов М. С. Сады и парки Тимура и Тимуридов. «Маскан» мурнали, 1993 йил, 12-сон 17-бет.

поғоналарда олма, нок, ўрик, олхўри ва олча дарахтлари ўсади. Бу ерда манзарали чинор дарахтларини ҳам кўриш мумкин.<sup>1</sup>

Жаҳонгир шоҳ сифатида давлатни идора этиш бобида ҳам ўз дастурини жорий қилган, шеърлар ёзиб турган. Жумладан, у ўз қўли билан «Тузуки Жаҳонгир» асарини ёзиб қолдирган. Асар ёзилиш услубида «Бобурнома»га ўхшаш бўлиб, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр ва Эрон ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар тўғрисидаги маълумотларга бой манбадир.<sup>2</sup>

Жаҳонгир боғдорчилик фаолияти билан машҳур бўлса, Бобурийлар сулоласининг навбатдаги ҳукмдор Шоҳ Жаҳон (1592-1666) меъморчилик санъатида тенги йўқ инсон эди. У қурган бино ва иншоотлар ичида айниқса, Аградаги Тож Маҳал мақбара—боғи бутун дунёга машҳурдир. Жаҳонда энг гўзал обидалардан бири бўлмиш Тож Маҳал Шоҳ Жаҳоннинг сеvimли рафиқаси Аржуманд бону бегимнинг сўнмас хотирасини абадийлаштириш мақсадида қурилган.<sup>3</sup> Обидани қуришдан аввал Шоҳ Жаҳон кўрсатмаси билан Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Эрон ва Туркия давлатларидан меъморлар, муҳандислар, усталар йиғилишиб бўлажак мақбара—боғ лойиҳасини ишлаб чиқадилар. Муҳокамага қўйилган лойиҳалар ичида Устод Аҳмад Лахорий ишлаган тарх энг мукамал деб топилади. Шоҳ Жаҳон Устод Аҳмад чизмалари бўйича мулоҳазалар юритиб, унга бўлажак мақбаранинг ёғочдан ишланган макетини тайёрлашни ва мақбара лойиҳасини фақат шундан сўнг қатъий тасдиқлашни айтади.<sup>4</sup> Устод Аҳмад Шоҳ Жаҳон ва унинг отаси Жаҳонгиршоҳ даврида ҳам таниқли сарой меъмори бўлган. Лойиҳа тас-

<sup>1</sup> Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. Т., Меҳнат, 1993, 54-бет.

<sup>2</sup> Азамат Зиё. Тузуки Жаҳонгирий. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 1994 йил, 1 июнь сони.

<sup>3</sup> Мумтоз Маҳал номи билан машҳур бўлган Аржуманд бону 19 ёшида 21 ёшли шаҳзода Хуррамга никоҳланади. Хуррамнинг отаси Жаҳонгиршоҳ келинини жуда ардоқлар ва «Саройда тенги йўқ» (Мумтоз маҳал) деб иззат қилар эди. Хуррам отаси вафотидан сўнг, 1627 йилда тахтга ўтиргач, уни Шоҳ Жаҳон (Жаҳоннинг шоҳи) деб атай бошлайдилар. Мумтоз Маҳал ўн тўртинчи фарзандининг туғилишида 39 ёшида ҳаётдан кўз юмади, У эрига қайта уйланмаслини, фарзандларига меҳрибон бўлишни, ўзига дунёда тенги йўқ ҳашаматли мақбара бунёд этишни васият қилади. Шоҳ Жаҳон сеvimли ёри вафотидан сўнг 35 йил яшасада, уйланмай ўтади, эрига содиқ қолиб, Тож Маҳал (Сарой тожи) мақбарасини бунёд этади.

<sup>4</sup> Қариева Н. С. Таж Маҳал — памятник индо-мусульманского искусства и зодчества в средние века: «Архитектура и строительство Узбенисана» журнали, 1990, №6, 36-37-бетлар.

диқлангач, Устод Ахмад мақбара қирилишининг бош меъ-  
мори этиб тайинланади. Самарқанддан таклиф этилган Ус-  
та Муҳаммад Шариф эса бош меъморга муовинлик қилади.  
Бухоролик Ота Муҳаммад усто обидадаги барча ҳайналта-  
рошлик ишларини ўз бўйнига олиб, мақбара гумбазидаги  
олтин найзани ҳам ясайди ва уни ўрнатишда бевосита ўзи  
иштирок этади.<sup>1</sup> Манбаларга кўра улкан мақбара ва унинг  
атрофидаги боғни бунёд этишда жами 20 минг қурувчи иш-  
тирок этган. Тож Маҳал ансамблининг асосий қисми 7 йил  
давомида, боғ ва атрофидаги барча иморатлар, масжид, де-  
вор ва дарвозалар яна 15 йилда қурилиб тугалланган. Улуғ-  
вор Тож Маҳал мақбараси шинам ва кўркам боғ ичида ат-  
рофига ўздан заррин нур ва салобат таратиб мағрур тура-  
ди. Меъмор ва боғбонлар боғ ичига мақбарани жойлашти-  
ришда анъанавий «чор-боғ» услубини биров ўзгартириб,  
уни Деҳлидаги Хумоюн мақбараси каби боғ марказига эмас,  
балки боғ тўрига жойлаштиради. Натижада мақбара—боғ  
мажмуа ғоясини ўзида мужассамлаштирувчи эртакнома  
обида ва манзарали гўзал чорбоғ бунёд этилади. Бош хиё-  
бон бўйлаб ўтказилган кенг ариқлар ва ҳавзаларга тушган  
эртакнома шарқона обида акси мажмуага янада мафтункор  
файз бахшида этган.

Тож Маҳални бунёд этишган меъмор ва боғбонлар Ак-  
баршоҳнинг Деҳлида отаси Хумюн Мирзога атаб қурган  
мақбара—боғидан андоза олган кўринади. Чунки, у ерда  
ҳам мақбара биноси ер юзидан бошланмай, балки бир ошё-  
га кўтариб тагкурси устига қурилган. Бунда меъморлар Аг-  
ра ва Деҳлида ёмғирлар кўп бўлишини ва ер ости сувлари  
юқори кўтарилиб, мақбарадаги дахмага кирмаслик учун,  
уни иккинчи қаватга ўрнатиш зарурлигини билганлар. Бун-  
дан ташқари, кенг ва ёзиқ биринчи қават иморатнинг таг  
курсиси вазифасини бажариб, мақбарага салобат ва маҳо-  
бат бахшида этган.

Тож Маҳал Ҳиндистон халқининг буюк рамзи ҳисобла-  
нади. Биз уни нафақат ҳинд халқининг, балки Бобурийлар  
сулоласининг ҳам Ҳиндистондаги ҳақиқий рамзи десак хато  
кетмаймиз. Ҳинд тадқиқотчиси В. Луния: «Тож Маҳал Бо-  
бурийлар санъатининг гўзал гулдастаси, дунёда эр-хотин  
муҳаббати, аҳиллиги ва садоқати шаънига бунёд этилган  
энг гўзал, энг мумтоз обидадир» деган эди.<sup>2</sup> Дарҳақиқат,  
Тож Маҳал Осиё мамлакатларидаги етти мўжизанинг би-  
ридир.

<sup>1</sup> Мўминов О. Жозибали ўлка. Т., Меҳнат, 1991, 195-бет,

<sup>2</sup> Мўминов О. Жозибали ўлка. Т., 1991, 193-бет.

Тож Маҳал турли пайтда муссон ёмғирлари тинмай ёғаётганда ҳам, қуёшли кунда ҳам, ойдин кечада ҳам гўзал ва мафтункордир. Кундузи мақбара гўё ҳавода муаллақ тургандек, миноралардан нур таралаётгандек туюлади. Тунда, ой ёғдусида янада гўзал бўлиб кўринадиган мақбарадан атрофига ним-шил, майин нур таралади. Гўё Тож Маҳал бунёд этилгандан кейингина Ер юзида гўзаллик камолотга эришгандек туюлади. Бу жаннатмакон жойнинг деворига қуйидаги сўзлар сабт этилган.

Агар Ер узра бўлса эрди жаннат,  
Шу жаннатдир, шу жаннатдур, шу жаннат.<sup>1</sup>

Ҳозирги Деҳли шаҳри икки қисмдан: шимолий қисми — Эски Деҳли, жануби қисми — Янги Деҳлидан иборат. Эски Деҳлининг шаклланишида Шоҳ Жаҳоннинг хизмати катта, шу боисдан шаҳар «Шоҳжаҳонобод» деб ном олган. Кейинчалик у кенгая бориб Эски Деҳлини ташкил қилган. Шоҳ Жаҳон бу ерда дастлаб Аградаги каби «Қизил қалъа» деб номланувчи йирик сарой мажмуасини бунёд этади.<sup>2</sup> Боглар, гулзорларга бурканган бу ердаги саройлар ўз даврида Шоҳжаҳонобод шаҳрининг марказини ташкил қилган. Қизил қалъа ўзига хос тепалик устига қурилган бўлиб, уч томондан баланд деворлар ва миноралар билан ўралган, тўрттинчи томони эса гўзал Жамна дарёси соҳилларига туташиб кетган. Қалъа деворлари маҳаллий қизил тошдан ишланган бўлиб, серқуёш кунларда товланиб тургани сабабали «Қизил қалъа» деб ном олган. Уни Деҳлиликлар шаҳарнинг Кремли ҳам деб атайдилар.

Қалъа ичидаги саройлар мрамрдан ишланган бўлиб, мрамрлар нафис ўйма гул нақшлар билан безалган. Қалъа бинолари орасида улкан шарқона айвон тарзида бунёд этилган қабулхона саройи ғоят гўзал ва мунаққашдир. Ундаги Шоҳ Жаҳоннинг кўшк-тахти соф олтиндан ишланган бўлиб, олмос, ёқут, зумрад каби қимматбоҳа тошлардан безатилган.

Қалъадаги ғоятда гўзал бинолардан яна бири Шоҳ Жаҳоннинг меҳмонхона саройидир. Саройнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, узун бино ичидан мрамрдан ишланган турли ҳовузчалар, шалолалар ва ариқ ўтказилган. Мрамр ариқ ва ҳовузчаларга ғаройиб нашқлар ўйилиб, уларга қимматбоҳо ранго-ранг тошлардан жило берилган. Қизил қалъа нафақат файзли ва нақшкор саройлар маж-

<sup>1</sup> Иброҳимов А. Бобурийлар мероси, Т., 1993, 52-бет.

<sup>2</sup> Мўминов О. Жозибали ўлка, Т., «Меҳнат», 1991, 184-бет.

муаси, балки сўлим боғлар, мрамар ҳовузлар, оромгоҳ ва гулзорлар, ораста сайргоҳлардан ҳам иборатдир. Ер юзида энг катта қимматбоҳа олмос ҳисобланган машҳур «Кўҳи нур» ҳам вақтида Қизил қалъа саройларининг бирини нурга тўлдириб турган.<sup>1</sup>

Қизил қалъадан бироз ғарбда Ер куррасидаги энг улкан мечитлардан бири — Ҷомий масжиди савлат тўкиб турибди. Шоҳ Жаҳон бунёд эттирган ушбу масжид хонақоси гумбазининг баландлиги 40 метрдир.<sup>2</sup>

Ҷомий масжиди ўзининг қурилиш услуби ва маҳобати билан Мовароуннаҳр ва Эрон меъморчилик санъатининг те-мурийлар даври анъаналарига мос ҳолда ишланган. Алқисса, масжиднинг ташқи безакларига катта аҳамият берилган. Бош дарвоза пештоқининг икки ёни уч қавватли ривоқлардан иборат. Масжиднинг тарзи маҳаллий қурилиш ашёси — қизил рангли қумтошдан жиҳозланган. Бинонинг уч асосий хонаси оқ мрамардан ишланган баланд гумбазлар билан ёпилган. Бурчаклардаги миноралар оқ ва қора мрамардан ишланган. Масжиднинг олд томонидаги ҳовли эса қатор ра-воқлар билан ўралган.

Шоҳ Жаҳон даврида бир нечта боғлар ҳам қурилган бўлиб, шулардан бири Покистондаги Лахор шаҳрида бунёд этилган. Шалимар боғидир.<sup>3</sup> Боғ тархининг кўриниши тўғри тўртбурчакли бўлиб, сатхи поғонали, яъни террасалардан тузилган бўлган. Бундай боғлар ўзининг жозибадорлиги билан «жаннат»ни эслатган.

Шоҳ Жаҳоннинг қизи Жаҳонаро тараққийпарварликда отасидан қолишмаган. У Аграда Ҷомеъ масжидининг тар-хини чиздиради. Деҳли, Сурат, Амбала. Бахол ва Панипат шаҳарларида катта-кичик карвонсаройлар, Лохурда эса катта боғ барпо қилади. Фақирлар учун уй-жой қуриб беради. Нашмирда у «Парпи Маҳал» («Парилар саройи») номли ажойиб бир боғ бунёд этади. Шоҳжаҳонободда эса Али Мардонхон ариғини қайта қаздиради, нақшинкор ҳовузлар қурдиртиради.<sup>4</sup> Маърифатпарвар аёл, кўпчиликка таниш лирик шоира Зебунисобегим ҳам Бобурийлар авлодининг вакиласи, Шоҳ Жаҳоннинг набираси эканлигини эслатиб ётиш айна муддаодир.

<sup>1</sup> Уша асар, 185-бет.

<sup>2</sup> Уша асар, 186-бет.

<sup>3</sup> Алимова О.П. Қадимги Шарқда боғ қурилиши санъати, Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда, Маърузалар баёни. Самарқанд, 1993, 54-бет.

<sup>4</sup> О. Мўминов. Бобурийлар сулоласидаги аёллар, «Фан ва турмуш», 1989, 3-сон, 19-бет.



Шоҳ Жаҳон 1657 йили касаллиги туфайли мамлакатни бошқаролмай қолади. Унинг тахтини 1659 йилга келиб ўғилларидан бири Аврангзеб (1618—1707) эгаллайди. У шоҳ Оламгир номи билан Ҳиндистонда 1707 йилгача ҳукмронлик қилган. Бобурийлар буюк имперясининг энг юксалган давридан бири шоҳ Оламгир даврига тўғри келади. Аврангзебга ҳозирги Ҳиндистоннинг асосий қисми, Бангладеш, Покистон, Афғонистон ва Эроннинг катта бир қисми қарам эди. Шоҳ Оламгир ҳақида ҳам бошқа Бобурийлар каби солномачилар ва хорижий саёҳатчилар фақат яхши фикрлар ёзиб қолдиришган. Унинг жуда ўқимишли, билимли инсон бўлгани алоҳида таъкидланади. Айниқса, шоҳнинг «Фатвон Оламгир» асари Ҳиндистонда мусулмон қонунчилигининг ягона китоби сифатида ном қозонган. Ҳиндистонда яқин-яқингача шу қонунлардан фойдаланиб келишган.<sup>1</sup> Мусулмон ақидаларини илгари сурган Аврангзеб аини пайтда, ҳинд эътиқодидаги туб аҳолини давлат ишларидан таъқиб остига олади. Илгари бекор қилинган жузья солиғини қайтадан жорий қилади.

Аврангзебдан кейинги Бобурийлар даврида ички курашлар кучайиб кетади, ҳокимият мавқеи бўшашиб, салтанат парчалана бошлайди. Ҳиндистонга Оврупаликлар ҳам бош суқа бошлайди. Бу ҳолатлар кейинги Бобурий шоҳларга салтанат тахтида муқим туриб кенг бунёдкорлик ва маданий ижтимоий фаолият билан фаол шуғулланишга имконият туғдирмайди. Бироқ, улар ҳам ўзларининг бобокалонлари Бобур Мирзо ва унинг фарзандлари каби шеърят ва адабиётга қизиқанлар, шеърый битиклар ва девонлар ёзган. Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласининг сўнгги вакили Баҳодиршоҳ<sup>2</sup> ҳам ана шундай иқтидорли шоир бўлиб, урду ва форс тилларида шеърлар битган, асарлари чоп қилинган.

Ҳиндистонда қадимдан ривож топиб келаётган илм-фан тараққиёти Бобурийлар даврида ҳам сўнмади. Аксинча, бобурийлар фаннинг барча соҳаларига фаол ривож бериб, ҳомийлик қилдилар. Жумладан, Шоҳ Жаҳон даврида нафақат бадиий адабиёт ва тарихий асарларга, балки табиий фанлар ривожига ҳам эътибор кучайтирилади. Шоҳ Жаҳон

<sup>1</sup> Озод Мўмин. Буюк Амир Темурнинг ёқути. «Самон йўли» адабий-тарихий мажмуасида. Т., «Намалак», 1992, 174-бет:

<sup>2</sup> Аврангзебдан кейинги Бобурийлардан Баҳодиршоҳ (1707-1712), Жаҳон доршоҳ (1712-1713 йй.), Фаррух Сияр (1713-1719 йй.), Муҳаммадшоҳ (1719-1748 йй.), Аҳмадшоҳ (1748-1754 йй.), Оламгир II (1754-1759 йй.), Шоҳ Олам II (1759-1806 йй.), Акбар (1806-1837 йй.) ва Баҳодиршоҳ I (1837-1858 йй.) ҳукмронлик қилган.

саройининг астроном олими Абу Мулла Фарид Деҳлавий Шоҳ Жаҳонга бағишлаб «Зижи Шоҳ Жаҳоний» («Шоҳ Жаҳон астрономик жадваллари»)ни ишлаб чиқади.<sup>1</sup> Бу асар аслида, Абу Мулла Деҳлавийнинг Улуғбек Мирзо тузган «Зижи» асосида ёзилган янги асари эди. Биз Шоҳ Жаҳон даврида Ҳиндистонда расадхона қурилганлиги ҳақидаги маълумотларни учратмадик. Бироқ, бобурий Муҳаммад Шоҳ даврига (1719—1748 йй.) келиб Деҳлида (тўғрироғи Шоҳ Жаҳонободда) унинг фармойишига биноан расадхона биноси қурилади. Расадхона қурилишида яқиндан саъй-ҳаракатлар қилган рожа Савай Жай Сингх (1686—1743) бу ҳақда шундай ёзади: «Амри аълони бажо келтирмоқ учун вужуд қувватини қамарбаста қилиб, бу ерга бир вақтлар Самарқандда ишланган асбобларга ўхшаш бир неча астрономик асбобларни мусулмон китобларига қараб ўрнатдик».<sup>2</sup> «Бу мақсад учун Муҳаммад Шоҳ буйруғи билан бу ерда мусулмон, брамин ва оврупалик геометрлар (муҳандислар) ва астрономлардан иборат истеъдодли олимлар йиғилди.»<sup>3</sup> Ана шу олимлар иштирокида XVII асрнинг бошларида нафат Деҳлида, балки Ҳиндистоннинг бир йўла яна тўртта шаҳрида — Банорас, Махтур, Жайпур ва Ужаннада расадхоналар қурилиб, уларнинг барчасида астрономик кузатув ишлари олиб борилади. Кузатув ишларига истеъдодли астроном олим, бунёдкор рожа Савай Жай Сингх раҳбарлик қилади. Бу илмий ишлар бобурий Муҳаммад Шоҳ ҳомийлигида амалга оширилганлиги туфайли Савай Жан Сингх 1728 йили ўз ҳомийсига бағишлаб «Зижи Муҳаммад Шоҳий» асарини тугатиб,<sup>4</sup> унга тақдим этади.

Шоҳ Жаҳон даврида унга бағишлаб амалга оширилган илмий ишлардан яна бири қомусий ҳинд олими, таниқли риёзиётчи, меъмор ва муҳандис Атауллоҳ ибн ал-Устод Аҳмад ал-Меъмор ал-Лохурийнинг «Хулосаи роз» («Тафанкур мағзи») номли риёзиёти ва ҳандаса масалаларига бағишланган йирик асаридир. Бу ажойиб асар назмда битилган бўлиб, ўн боб ва хотимага кирган тўқсон еттита алоҳида шеърый ёки 1111 байтдан иборат.<sup>5</sup> Ҳар бир шеър ўз сарлавҳасида эга бўлиб, улар жумладан «қўшиш», «кўпайтириш», «Бутун сонлар», «Каср сонлар», «Юза», «Дарёларнинг узунлиги ва қудуқларнинг чуқурлиги» каби номлар

<sup>1</sup> Қори-Ниёсий Т. Н. Улуғбек ва унинг илмий мероси, «Ўзбекистон» 1976, 282-бет.

<sup>2</sup> Уша асар, 94-бет.

<sup>3</sup> Уша асар, 284-бет.

<sup>4</sup> Уша асар, 285-бет.

<sup>5</sup> Ходжиев И. Математика в поэзии. Душанбе, «Маориф», 1990 й.

билан аталган. Хуллас, бу асар ўрта асрлар Шарқ риёзиёт фанининг қисми ҳисобланган ҳисоб, ҳандаса, тригонометрия ва алгебра соҳасидаги ютуқларни ўзида ифода этган. Шуниси қувонарлики бу қимматбоҳа асар бизгача сақланиб етиб келган.

Маълумки, Ҳиндистонда ҳунармандчилик ва касбкорлик қадимдан ривожланиб келган. Бобурийлар сулоласи даврига келиб эса, «айниқса, олтин ва кумушдек, қимматбаҳс тошлардан тайёрланадиган амалий санъат намуналарини яратиш янада ривож топди. Бобурийлар четдан Ҳиндистонга ажойиб ҳунарманд-заргарлар келтирадилар», — деб ёзди О. Мўминов ўзининг Ҳиндистон ҳақидаги китобида. Жумладан, «Жалландар, Амритсар, Патнала ва Хушнапур шаҳарлари заргарлик ишларининг марказлари бўлиб, ўзларининг моҳир заргарлари ва заргарлик маҳсулотлари билан донг таратган эди. Олтин ва кумушга нашқ солишга тарзи ва ўймакорлик услугига кўра ҳар бир жойнинг маҳсулоти бир-биридан фарқ қиларди. Чунончи, Амритсардаги заргарлик буюмларида Кашмир услуби ўз ифодасини топган. Хушнапур эса ўзининг буюмларида жимжимадор безаклар, гулларни акс эттирувчи заргарлари билан фахрланардилар.

Деҳли заргарлари ишлаган олтин ва кумуш буюмлар — тўрт бурчак ва саккиз қиррали, ёнида фил бош тасвирланган ҳар хил қутичалар, олтиндан гул солинган, сайқалланган кумуш патнислар, маназарали кумуш идишлар, гулдонлар, қошиқлар, қадаҳлар ўзининг нафислиги, чиройли ва моҳирона сайқалланганлиги билан шуҳрат қозонган эди».<sup>1</sup>

Юқоридагилардан кўринаднки, бобурий ҳукмдорлар даврида уларнинг фаол саъй-ҳаракатлари ва ҳомийлиги натижасида бу ўлкада нафақат бунёдкорлик, шаҳарсозлик, боғ-истироҳатчилик ва ободончилик, балки илм-фан, адабиёт, шеърят, тасвирий санъат ва халқ амалий санъатининг барча турлари ҳам кенг ривож топди.

---

<sup>1</sup> Мўминов О. Жозибали ўлка, Т., «Меҳнат», 1991, 135-бет.

## ХОТИМА

Бобурийлар даври маънавити ва меъморчилиги нафақат ўлкамиз халқларининг, балки жаҳон халқларининг ҳам қимматли маънавий меросидир. Туркистон ва Хуросон халқлари ҳаётида Амир Темур давридаёқ асос солинган ижтимоий тараққиёт, илм-маърифат, шерият ва бадият, меъморчилик ва шаҳарсозлик, боғ-оройишчилик ва ободончилик, эл-юрт маъмурчилиги ва халқ амалий санъати каби соҳаларда муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бердики, бу ўзгаришлар кейинчалик Шимолий Ҳиндистонда Бобур Мирзо ва Бобурийлар ҳукмронлиги даврида ўзининг энг юқори савиясига эришди.

Агар соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ўз даврида давлат ишларини бошқаришда, мамлакатда мустақиллик, адолат ва осойишталик ўрнатишда, эл-юрт фаровонлигини таъминлашда, бунёдкорлик ва саркардаликда алоҳида буюкликка эришган бўлсалар, Бобур Мирзо ҳазратлари ҳам ўз навбатида бобокалони Амир Темурга тортиб саркардаликда, яратувчанликда, айниқса, бадиий ижод, маънавият, маърифат, меъморият ва боғ-оройишчилик санъати соҳаларида ўзига хос солоҳиётдир. Бобур Мирзо тақдир тақозоси ила ўзга юртларда оламга машҳур салтанат яратиб, унинг сарҳадларида янги шаҳарлар, сув иншоотлари, карвонсаройлар, қатор ва гўзал дилкушо боғлар, сарой ва кўшклар бунёд этди. Афғонистон ва Ҳиндистон, умуман, Шарқ халқлари меъморчилиги ва боғ-истироҳатчилик санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Айниқса, Ҳиндистонда Бобур ва Бобурийлар яратган боғлар бу ўлкада ушбу санъатнинг мумтоз намуналари тарзида тан олинди. Аслида, бу санъат асосида Самарқанд ва Ҳиротда темурийлар даврида бунёд этилган жаннатсимон меъморий боғ-роғлар шаклу-шимойили, режавий услублари ўз аксини топган ва ривожлантирилган эди. Марказий Осиё боғ-истироҳатчилиги санъатида илгаридан маълум бўлган «чорбоғ», «чорчаман», «хиёбон», сарой ва чортараф ҳовузлар услублари Ҳиндистонда такомиллаштирилиб «чорчинор», шунингдек, меъморчиликнинг нафис намуналари ва боғ-оройишчилик санъатининг

Ўзига хос синтези-ҳамоҳанглиги асосида яратилган «мақбара-боғлар»нинг янги кўринишлари вужудга келди. Деҳлидаги Ҳумоюн. Аградаги Тож Маҳал мақбара- боғлари ҳам ана шундай мўъжизакор ва бетакрор меъморий уйғунлик асосида яратилди. Бу уйғунлик маҳобатли ва мунаққаш мақбара-сарой, сўлим чорбоғ ва дилкушо чорчаманлар, кенг ҳиёбонлар, ҳовуз ва фавворалар, чортараф деворлар ва дарвозаларнинг мунтаззам режавий ечими асосида шакллантирилди. Машҳур Тож Маҳал мақбара-боғининг ўзига хослиги ва гўзаллик сири унинг юксак савиядаги мунаққашлиги ва меъморий ҳамоҳанглигидагина эмас, балки асосий мақбара-саройнинг бошқа боғ саройларидан фарқли ўлароқ чорбоғ тўрига жойлашганлигида ва саройнинг боғ муҳитига ўта мос тушганлигида ҳамдир. Ушбу меъморий услуб ёрдамида яхлит чорбоғ манзараси гўзал мақбара-сарой мажмуаси учун поки-поёндоз бўлиб хизмат қилади. Тож Маҳални томоша қилишга келганларга чорбоғ ичидан унинг яқинига борган сари минг турфа жило бераётган обидда жамолига тўйиб уни кенгроқ мушоҳада этишга имконият яратади.

Бобурийлар яратган меъморий обидалар ва истироҳат боғларини диққат билан кузатар эканмиз, уларга хос бўлган мўъжизакор мунаққашлик ва табиий манзаралар ҳамоҳанглигини улар муҳитидаги орасталик, изчил меъморий тартибот, халқ амалий санъатининг юксак туйғуларини ҳис этамиз. Афсуски, худди ана шу муҳим ва юксак меъморий фазилатлар ҳозирги кундаги биз яратаётган бинолар ва иншоотларимиз муҳитига этишмай турибди. Биз ишонамизки, тарихий моддий-маданий қадриятларимиз ва улуг сиймоларимиз меъморий меросини ўрганиш бунёдкор халқимиз тафаккурини янги имкониятлар сари сарафроз этади. Иншооло, бу йўлда халқимизга Бобурийларнинг сўнмас бунёдкорлик маънавияти куч-қувват ато этгай.

## М У Н Д А Р И Ж А

|  |    |
|--|----|
| Муққадима . . . . .  | 4  |
| Бобур Мирзонинг бунёдкорлик фаолияти . . . . .   | 6  |
| Бобур ва боғ-истироҳатчилик санъати . . . . .  | 17 |
| Бобурийлар даврида меъморчилик, шаҳарсозлик ва боғ-исти-<br>роҳатчилик санъатининг ривожланиши . . . . . | 23 |
| Хотима . . . . .   | 36 |

**Муҳаррир Ж. Каримов**  
**Мусаввир А. Жонузоқов**  
**Техмуҳаррир В. Лептак**  
**Корректор Н. Таирова**

---

Буюртма № 153

Ҳажми 2.5 б. т.

1000 нусха.

---

СКИ босмахона цехи, 1995 й. Самарқанд шаҳри, Амир Темури кўчаси 9.